Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 7 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 28 (7121)

Da'vat

Жаҳолатнинг уч тури мавжуд: умуман ҳеч нима билмаслик, ҳамма билган нарсаларни жуда ёмон билиш, лозим бўлмаган нарсаларни билиш.

Шарль ДЮКЛО

Ibrat

Нишон туманидаги "Нуристон" қўрғонида "Пахтаобод" кооператив пайчилик жамияти кўмагида 200 ўринли мактаб қуриб битказилди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Бахтиёр Олимжонов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

• Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси томонидан ижро этилиши ҳамда ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма атамалар ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

• Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида "Инсон ҳуқуқлари ва замонавий ахборот воситалари" мавзуида илмий амалий семинар бўлиб ўтди.

• Душанбеда таниқли жамоат арбоби С.Кенжаев ўзининг икки ҳамроҳи билан номаълум кишилар томонидан отиб кетилди.

• Ҳиндистоннинг шимолида юз берган кучли зилзила оқибатида юзга юқин киши ҳалок бўлди, 300 дан ортиқ киши жароҳатланди.

• Яқинда истеъфога чиққан Парагвай Президенти Раул Кубасга уй қамоғи таҳдид солиб турган бир пайтда Бразилия ҳукумати унга сиёсий бошпана берди.

• Японияда кейинги 46 йил ичида ишсизлик рекорд даражасига чиқиб, айни пайтда ҳар 100 нафар ишсизга бор йўғи 49 та бўш иш ўрни топилиши мумкин.

Унвон

ОЛИМЛАРНИНГ ДЎСТИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон раҳбари бу юксак унвонга республикада «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ишлаб чиққанлиги ва амалга ошираётганлиги учун сазовор бўлди.

1997 йилда қабул қилинган мазкур дастур узлуксиз таълим модели бўлиб, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит ва таъсирчан механизмни яратиш унинг марказида туради.

Республикада туб ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи куч — инсоннинг бирламчи принципларини ҳаётга татбиқ этиш бўлиб, у Ўзбекистон таълим моделининг энг муҳим вазифасидир. Дастур ёшларнинг мактабгача ёшидан тортиб, магистратурани тугатгунча бўлган бутун бир даврни қамраб олади. Бунда тўққиз йиллик умумтаълим ва уч йиллик махсус таҳсил – мажбурийдир.

Президент Ислом Каримов ўз китоблари, мақолалари, маърузаларида таълимнинг устуворлиги ва уни янада демократлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбари жаҳон қиёфаси яхлитлиги, юксак маънавият ва башарий тафаккурнинг асоси бўлмиш таълимни ижтимоийлаштиришни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Республикада қатор янги университетлар ва институтлар очилди, етакчи олий таълим даргоҳлари ҳар томонлама мустаҳкамланди.

1998 йилда 35 та янги коллеж қуриб ишга туширилди, жорий ва келгуси йилларда яна 317 та лицей ҳамда коллеж барпо этилади. 1999 йилда республика ялпи ички маҳсулотининг 8,1 фоизи таълим соҳасига йўналтирилиши, ўтган йил бу улуш 7,6 фоизга тенг бўлгани эътиборга олинса, лицей ва коллежларни қуриш режалари бажарилиши равшан бўлади.

Таълимнинг янги усуллари орасида – Тошкент Иқтисодиёт университети ҳузуридаги бизнес таълими, Молия институти қошидаги солиқ органлари учун кадрлар тайёрлаш маркази тузилмалари алоҳида диққатга сазовор. Ўзбекистон ёшлари жаҳоннинг энг нуфузли университетларига таълим олиш учун юборилмоқда.

Валерий БИРЮКОВ,
Тошкент

Ўқитувчи ён дафтарига

ҲАЙДОВЧИНИНГ АМРИ ВОЖИБ

Бу гап япон муҳандиси Охиро Ямасуки яратган тракторга таллуқли. Оддий керосин билан ишлайдиган бу трактор моделининг ҳаракатланиши, тезлиги, ўнг ё чапга бурилиши, хуллас барчаси оғзаки буйруқ билан амалга ошади. Япон олимлари айни пайтда оғзаки буйруқ билан ҳаракатланишга ихтисослашган бу каби транспорт турларини кўпайтириш ниятида изланиш олиб бормоқдалар.

ДАРАХТЛАР УЧИДАГИ ҲАЁТ

Ботаниклар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари "тропик ўрмонлардаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси тўла ўрганилган" деган фикрни чиппакка чиқарди. Маълум бўлишича, ўрмонлардаги баланд дарахтларнинг энг юқори қисми ҳали ўрганилмаган экан. Бу жойдан фанга номаълум бўлган қушларнинг янги дунёси топилди. Шунингдек, шохларда ҳаёт кечираётган қурбақа ва калтакесак турлари ҳам олимларни таажжубга солиб қўйди.

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Бугунги кунда Швейцариянинг Альп водийсида бўйнига соатга ўхшаш митти асбоб – ЭҲМ осилган сигирларни тез-тез учратиш мумкин. Нархи анчагина қиммат бўлса-да, чорвадорлар учун ғоят қулай бўлган бу ускуна сигирнинг қаерда ўтлаётгани ва қанча ўт еб, қанча вақт дам олгани хусусида белгиланган жойга маълумот етказиб туради.

ЕЧИМИ ТОПИЛДИ

Қандай қилиб тухум пўстлоғини қаттиқроқ қилиш мумкин? Иллинойс дорилфунуни олими Тед Одом узоқ йиллар шу муаммо устида тадқиқот олиб борди ва ечимини топди. Олимнинг таъкидлашича, товуқларга оддий сув ўрнига газли сув берилса, тухуми пўстлоғи мустаҳкам бўлади. Бу эса, тухумларни ташишда уларнинг бутунлигини сақлаб қолишга ёрдам беради.

G'urur

МАТЕМАТИКЛАР ЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИГА

Бизга маълум бўлгани шуки, "Математика — фанларнинг отаси". Бу фан бўйича "Жаҳон олимпиадаси» ўтказилаётганига қарийб қирқ йиллар бўлди. Бироқ, мана эндигина, мустақиллик шарофати билан Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи Шамсиддин Самарқандий, Маҳмуд Чағминий, Мирим Чалабий каби буюк математикларни дунёга етиштириб берган Ўзбекистоннинг ёш математиклари ҳам ушбу беллашувларда иштирок этишга муносиб деб топилди.

28-30 март кунлари пойтахтимиздаги Сирожиддинов номли лицейда ўтказилган олимпиада – расман ёш, умидли математикларимизнинг ушбу нуфузли мусобақа олдидан машқ вазифасини ўтади.

Ҳар бир вилоятдан 6 нафардан терма жамоа бўлиб келган қатнашчилар 2 кун давомида синовдан ўтди.

Бўлиб ўтган олимпиаданинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ўқувчилар иқтидорини ҳар бир ўқувчига 3 тадан масала ечиш шартини қўйиш билан синалди.

Хуллас, мазкур олимпиада яна 3 ойдан сўнг Руминияда ўтказилган ёш математикларнинг жаҳон олимпиадасига қатнашишга даъвогар бўлган 12 нафар энг билимли ўқувчиларни ғолиб деб топиб, ташкилий қўмита томонидан мукофотлади.

Яна шуниси эътиборлики, ғолиблар 3 ой давомида махсус қулайликка эга бўлган шароитда тайёргарлик кўрганларидан сўнг саралашнинг сўнгги босқичи бўлиб ўтади. Шундан сўнг жаҳон аренасида қатнашувчи Ўзбекистон ёш математиклари терма жамоасининг 6 нафар аъзоси саралаб олинади.

Олимпиаданинг ташкилий қўмитаси раиси, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг Давлат таълим стандартлари бўлими бошлиғи, физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла Аъзамов мазкур олимпиаданинг аҳамияти ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистон учун Жаҳон майдонига чиқиш янгилик эмас, чунки мустақил юртимиз байроғи дунё минбарларида ҳилпирай бошлаганига ҳам қарийб 8 йил бўлди. Бироқ, бу олимпиада ёш математикларимиз учун ўта масъулиятли биринчи синов бўлади. Курашчилар кейинги босқичда ватан, юрт, миллат обрўси турганини юракдан ҳис қилган ҳолда беллашдилар. Ишонч билан айтаманки, ғолибларимиз кейинги фахрли синовни ҳам муваффақиятли адо этишади.

Саййид ОЛИМ

Tajriba

МЕН ҲАМ МАЖЛИСИНГИЗГА БОРАРДИМ...

Эрталаб ишга кетаётсам,болаларнинг онаси, "Бугун ишдан эртароқ келарсиз, Элёрингизнинг мактабида ота-оналар мажлиси бўлар экан», деди. Соат олтиларда мактаб мажлислар залининг ярмидан кўпроғига одам тўпланиб қолган эди.Мажлисда менинг диққатимни бир нарса ўзига тортди, негадир мактабнинг янги раҳбари ҳар бир синф раҳбарига алоҳида таъкидлаб биз бундан буён ҳар бир синф раҳбарини ота-оналарнинг мажлисига қатнашишларига қараб баҳолаб берамиз, деди. Йиғилишга бир синфдан 30 фоиз,иккинчи синфдан 50 фоиз, учинчи синфдан 55 фоиз ота-она келишибди. Сўнг ўйланиб қолдим, демак, қатталар мажлисида ҳам давомат масаласи муаммо экан...

Мажлисда бир синф раҳбарини кўп мақташди. Мен мактаб директоридан шу ўқитувчи билан учраштиришни илтимос қилдим. Келишилган куни бизни, кийиниши ўзига ярашган, ўрта ёшлардаги истараликкина аёл кутиб олди. Салом-аликдан сўнг мен дарҳол мақсадга ўтиб қўя қолдим, куни кеча мактабларингизда ўтказилган мажлисда сизнинг синфингиздан ота-оналар мажлисига 93 фоиз ота-оналар келди, деб айтишди. Бу натижа бошқа синфларга қараганда кўп, бунга қандай эришдингиз?

—Бу муваффақият фақат менинг эмас, бунга биз синфимиз ўқувчилари билан биргаликда эришиб келмоқдамиз, — дея гап бошлади суҳбатдошим. — Мажлис ҳақида мен икки-уч кун олдин ўқувчилар орқали уларнинг ота- оналарига хабар бераман. Айтайлик мажлис соат олтида бўладиган бўлса, мен эса соат бешдан бошлаб беш-беш минут оралатиб, ҳар бир ота-онага, уларнинг исм фамилияларини аниқ ёзиб таклифнома юбораман, шу куни синфимизни яхшилаб жиҳозлаб қўямиз. Бу кун биз учун масъулиятли бўлгани туфайли,- биз ўқувчилар билан биргаликда, байрамона кийиниб яхши кайфиятда ота-оналарни кутиб оламиз. Ишдан чарчаб келган ота-оналарга классик куйларимиз жуда хуш ёқади. Биз уларни келишлари билан бир пиёла чойга ва магнит тасмасига ёзилган классик қўшиқларимизни эшитишга таклиф қиламиз.Ҳаммамизга маълум нарса, мабодо ота-онани мактабга чақиришса, кўпчилиги юрагини ҳовучлаб, яна болам мактабда бирор ножўя иш қилиб қўймадимикин деган ҳаёлга боради, албатта. Ахир қўнғиз ҳам боласини оппоғим дейди, менимча ҳеч ким

(Давоми 3-бетда)

Кадрлар тайёрлаш миллий дастур: жамият тараққиётига ижобий таъсир
2-бет

Жаҳонгирнинг муҳаббати
3-бет

Қалб чечакларини асранг
4-бет

Anjuman

ТАЛАБАНИ ЎРГАНИШ КЕРАК

Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида "Узбек халқ маънавиятининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ва миллий кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти" мавзусига бағишланган анжуман бошланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов йиғинни очар экан, дастлабки сўзни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жураевга берди. Нотиқ жумладан шундай деди: "Узбек халқи 3 минг йиллик бой тарихга эга. Дунёда Узбекистончалик бой маданиятга эга халқнинг ўзи ҳам йўқ. Навоий, Бобур, Амир Темур, Яссавий, Нақшбанд, Кубро, Бухорий, Форобий... Уларни санаб адо қилолмайсиз. Шундай улуг алломалар яшаб ўтган юрт билан ҳар қанча фахрланса оз. Лекин ҳозирги ёшларимизнинг маънавияти қандай? "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамма давлатларда ҳам қабул қилинмаганини уларга чўқурроқ англатиб қўйишимиз керак".

Ялпи мажлисда, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Р.Холмуродов, адабиётшунос олим Султонмурод Олимов, ТошДУ профессори И.Раҳимов, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари У.Ўватов кабилар сўзга чиқишди. Айниқса, С.Олимовнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. "Маънавият, мафкура ҳақида шу қадар кўп гапирилаяптики, баъзан таъналар ҳам эшитиб қолаяпмиз. Лекин, сир эмаски, "маънавият" сўзининг луғавий маъносини кўпчилик шарҳлаб беролмайди. Менинг назаримда, маънавиятни учта йўналишда изоҳлаш мумкин. Биринчиси — миллий урф- одатларимиз. Иккинчиси — ислом дини ўзбек халқининг миллий қадрияти сифатида. Учинчиси эса, умуминсоний қадриятлар" -деди у киши.

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти бўлим бошлиғи Н.Алиқориевнинг "Талаба-ёшларда юксак маънавиятни шакллантиришда социологик тадқиқотларнинг аҳамияти" деб номланган маърузасида факт ва далиллар ҳаққоний ифодаланди, дейиш мумкин.

— Талабалар ўртасида социологик тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг қизиқиш ва хоҳиш-иродаларини ўрганиш, муносиб кадрлар тайёрлашда катта аҳамият касб этади, - деди маърузачи . — Улар ўртасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 20 фоизи ўз касбларини нотўғри танлашган. Бир қанчаси ўқишни битириб, мутлақо бошқа соҳада ишлаш ниятида. 15 фоизгина талабалар бўш вақти кўнгилли ўтишини билдирганлар. Бор-йўғи 13 фоиз ёшлар ўз дам олишларидан қониқадилар. 30-40 фоиз йигит-қизлар ўз ўқитувчиларидан норозилигини изҳор этишган.

Социология — ҳаёт калити. Биз ҳамиша ва ҳар қачон талабалар ҳаётини ўрганмас эканмиз, давлатимизга муносиб қадрлар етиштириб бера олмаймиз. Таклифим: социологик тадқиқот бўлими ҳар бир ўқув юртида очилиши, Республика миқёсида эса уларни марказлаштириш керак".

Дарҳақиқат, йиғин бошланиб, икки-учта маъруза ўқилгач, залда безовталик сезилди. Талабалар бирин- кетин ўринларидан туриб, чиқиб кета бошлашди. Гарчанд йиғинни бошқариб бораётган киши — олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Р.Холмуродов талабаларни тартиб сақлашга чақирса-да, ёшлар мажлисни тарк этиб, "қуён" бўлгилари келарди.

Ваҳоланки, катта бир анжуман ёшлар маънавиятини янада юксалтириш мақсадига қаратилган эди. Лекин... шундай деймизу, балки зўрма-зўракилик билан бўлган нарсанинг умри қисқа бўлишини англаган ҳолда шундайин тадбирларни ўтказишнинг бошқачароқ йўлларини топишимиз керакдир. Талабаларда иккиуч соатлик йиғиннинг тугашини кутиб туришга нега тоқат етишмади.? Улар ўз ҳатти-ҳаракатлари билан йиғилиш аҳлида ноҳуш кайфият қузғашини англаб етармиканлар?

Тўғрисини айтганда, бугунги ёшлар мажлисбозликни ёқтиришмайди. Аслида мажлислар маълум доирада қандайдир масалаларни муҳокама қилиш учун чақирилишини англаб етадиган ёшлар кам. Н.Алиқориев тўғри таъкидлади. Чиндан ҳам иккиуч соатлик мажлисбозликдан кўра, ёшлар маънавиятига кўпроқ таъсир берадиган чиройли тадбирлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Жўяли таклиф. Социологик тадқиқотлар маркази албатта очилиши лозим. Бундай марказ, иш олиб бормас экан, мулжалдаги тадбирлар самарасиз ҳавога учади.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда иш кўрдилар.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Навоий шаҳридаги 17 - мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Зумрад Ниёзова болаларнинг суюкли муаллимасига айланган. Шогирдлар, ҳамкасабалар, ота-оналар назаридаги ҳурматли кишилар сафига қўшилди. Муаллимнинг қилаётган ҳар бир ишида янгиликка интилишни кўриш мумкин. "Йил ўқитувчиси - 98" кўрик-танловида ҳам муносиб баҳоланди ва у Республикамизнинг "Энг ёш ижодкор ўқитувчи"си шарафига муяссар бўлди.

Mulohaza

"СИНЧАЛАК" ЭРТАКМИ?

Биз китоб ўқиётганимизда ранг-баранг бўстонларни, сўз "ғишт"ларидан садафдек терилган чиройли жумлаларни, дунёдаги мавжудот ва муъжизаларни ҳам, инсонийликнинг улуғ неъматларини ҳам, ёмонлик ва яхшилик ғалабасини ҳам ошиқча безакларсиз қалбан ҳис этамиз. Ўқиган сари бу асарга шўнғиб бораётганимизни сезаверамиз. Шунинг учун халқимиз севган ёзувчи Ўткир Ҳошимов бадиий адабиётни саккизинчи муъжизага ўхшатади.

Давримиз кундан-кун ёшларимизнинг ута билимдон, зийрак, ҳур фикрли бўлмоғини талаб этмоқда.

Хўш, бу борада ўрта мактабларда фарзандларимизга берилаётган билим сифатини қандай баҳолаш мумкин?

Бугунги кунда гимназия, лицей ва ўрта мактаб ўқувчилари билим даражасини солиштирсак ўрта мактабда таълим олаётган ўқувчилар махсус мактабларда ўқиётган тенгдошларидан орқада қолмаяптимиқан?

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатдики, қизим 5-синф ўқувчиси. Лекин бошланғич синфда "аълочи" номини олган, Навоий, Машраб, Бобур, Рудакий каби алломаларни билган, ғазалларидан ёд олган. Бугун эса А.Қаҳҳорнинг "Синчалак" асарини эртак деб айтмоқда. Буюк ёзувчининг ҳикояларидаги эски сўзларни ўқиб, "ие, бу нима" деб ҳайрон бўлмоқда. Тараққий этиб бораётган замонамизда лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосида чиққан дарсликлардан ўша ҳикояларни қийналиб ўқимоқда.

Адабиёт дарсида қўшимча асарлар ўқитилмаса, яхшироқ ўқийдиган ўқувчини доскага чиқариб шундай ҳикояларни фақат ўша ўқувчига ўқитаверса, айниқса, эски сўзларни ўқувчиларга тушунтириб бермаса, бу ўқитувчининг услубини қандай баҳолаш мумкин?

Давримизнинг адабиёт ва тарихини ўқувчилар онгига тўла жойлай олмаган ўқитувчини айблаш мақсадим эмас. Аммо ота-оналар ва ўқитувчилар алоқаси яхшиланишини истардим.

Мактабда берилган билимларнинг бойитиш усулларидан бири ҳар бир ота-она кунда,ҳеч бўлмаса фарзанди дарс қилаётган пайти оз бўлса-да савол-жавоб қилса, ўқувчидан ҳеч бўлмаганда ота-онасидан уялиш ҳисси таркиб топган фарзанд дарс давомида кўп нарсаларни билишига интилади. Болангиз газета ва журналларни ўқиб борганда ҳам ижод ва янгиликлардан хабар топиши табиий. Баъзи ота-оналардан бир ридан умирлик даврига қадам қўйишда мактабдаги таълим-тарбия, айниқса, билим савияси катта аҳамиятга эга экан.Шундай вақтлар бўладики, ўқувчи ва ўқитувчига ҳаётдаги энг ўрганадиган вақти ўша эътиборсизлик туфайли бир кун келиб афсусли кунларга айланиб қолади. Вақт олий ҳакам экан, кунлар утиши учун эмас, ўтаётган ҳар бир кунга тиниқ орзулар, умидларни жойлаб яшайлик. XXI асрга фарзандларимиз билимдон ва ута зеҳнли, умидли кунлар билан кириб борсинлар.

Изласанг, имконият қидирсанг, ўқийман десанг китоблар бисёр. Баҳонага ўрин йўқ. Инсон ҳаётда жуда кўп нарсаларни ўқиш ва изланиш билан топади. Шу ўринда Юртбошимизнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг охирги бетидаги жарангдор сўзларни ёд олмоқни ва билишингизни истардим. **"Фарзандларимиз, келажак биздан шу ўлкани шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш бизнинг фуқаролик бурчимиздир".**

Маъмура МАДРАҲИМОВА

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ:

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР

Жамият турли ижтимоий қатламлари ва гуруҳларининг қарашлари ва турмуш тарзлари, ҳар бир инсоннинг эътиқоди турли-туман бўлган ҳолда, уларни халқ ва давлат манфаатлари ва орзуларини, олий мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ягона ғоя жипслаштиради. Бизнинг мамлакатимизда бу ғоя Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган — «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» ғоясидир. Бу мақсадга эришиш учун барчанинг – давлат, жамият ва мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг саъй-ҳаракатлари йўналтирилган.

Шу ўринда бугунги кунда барча давлат тузилмалари ва жамоатчилик ташкилотларининг, Ўзбекистон фуқароларининг қолаверса, умумхалқ, умуммиллат ишига айланган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳам тараққиёт сари интилишдаги шу улкан мақсадларнинг амалга ошувига қаратилган. Айнан шу жиҳати боис миллий дастурга миллий ғоянинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакат ривожининг стратегик мақсадларига эришишнинг, яъни ривожланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг, тараққий этган дунё мамлакатлари ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишнинг пойдевори ҳамда асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги ҳужжатлари нафақат таълим тизимининг ислоҳга бўлган эҳтиёжи, балки ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар, жамият ҳаётидаги инсон шахсининг ўрни ва иштирокини фаоллаштириш зарурати туфайли юзага келди. Шубҳасиз, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўз мазмун-моҳиятига кўра фақат таълим тизимини, кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш билангина чегараланиб қолмасдан давлатимиз келажаги учун улуғвор ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Юртбошимиз томонидан таклиф этилган кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, ноёб, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган ушбу модели Ислом Каримовнинг узоқни кўра билиш қобилияти, илмий мардлиги ва тафаккури натижасидир. Дастурда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахсникомил инсонни, шу тариқа онгли жамиятнинг шакланишига ва ўз навбатида ижобий равишда "портлаш эффекти"нинг содир бўлишига олиб келади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг, айниқса унинг амалий татбиқининг ижтимоий жараёнларга таъсири қандай?

Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг республикамиз ижтимоий - иқтисодий жараёнларига кўрсатадиган ижобий таъсирининг асосий йўналишларини белгилаб бердилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради» (шу ва бундан кейинги келтириладиган кўчирмалар шу суҳбатдан).

Бу ўзгаришлар зарурияти нималарга асосланган? Миллий дастур қандай қилиб бу жараёнга ўз ижобий таъсирини ўтказиши мумкин?

Маълумки, ижтимоий-сиёсий иқлим иккита асосий таркибий қисм: ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онг билан тавсифланади.

Тоталитар тузумнинг бир неча ўн йиллик ҳукмронлиги даврида шахснинг яратилаётган моддий бойликлар якуний натижасидан четлаштирилиши жамият ҳаётининг асосий хусусияти ҳисобланган. Марказлаштирилган иқтисод шароитида инсон ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасига жавобгар бўлиб, унинг якуний мақсади ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ва ўйлаб ҳам кўрмаган. Ўз меҳнати натижаси билан қизиқмаслик, онгли манфаатдорликнинг бўлмаганлиги, кишилардаги эгалик, масъулият каби ҳисларнинг йўқолишига сабаб бўлган. Жумладан, деҳқон ердан фойдаланиш, ўз меҳнатини ўзи ташкил этишдек азалий ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, "юқоридан берилган топшириқ"ни бажаришга мажбур бўлган.

Шахснинг ижтимоий жараёнга фаол таъсирдан, ўз меҳнатини ўзи ташкил этишдан йироқлашуви, давлат бошқарувида ва жамият ҳаётида демократик асосларнинг йўқлиги, мавжуд «икки хил ахлоқ» **шахс маънавий- ахлоқий қиёфасининг инқирозига асосий сабаб бўлди.**

Тоталитар жамият ижтимоий ҳаётидаги яна бир хусусият бу – **инсон ва табиат ўртасидаги тобора кучайиб борган йироқлашувдир.** Оқибатда бир талай экологик қарамақаршиликлар вужудга келди. «Юқоридан берилган топшириқ»ни бажариш ортидан қувиш кўплаб табиий комплексларнинг, биологик бойликларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди ҳамда сув ҳавзаларининг ифлосланиши, қуриб кетиши ва бошқа салбий экологик ҳолатларни келтириб чиқарди. Бу жараёнлар, ўз навбатида, ижтимоий онгга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Собиқ иттифоқнинг улуғдавлатчилик сиёсати натижасида марказлашган иқтисодий тизим яккаҳокимлик сиёсатининг воситасига айлантирилган эди. Бундай аҳвол мавжуд ҳолатни бузиб кўрсатишга ҳамда жамиятда икки хил даражадаги ижтимоий онгнинг шакланишига олиб келди. Натижада бир томондан ижтимоий жараёнлар кишилар томонидан одатий ижтимоий онг сифатида англанилса, иккинчи томондан бу – расмий ижтимоий онг – мафкура эди. Бу даража коммунистик ғоя ва тоталитар давлат нуқтаи назари билан у ёки бу ижтимоий жараёнларни талқин этишни талаб этадиган кўрсатмалар мажмуидан иборат эди.

Ижтимоий онгнинг бундай тузилиши одамларнинг давлатдан ҳам маънавий ва ҳам ахлоқий жиҳатдан йироқлашувига олиб келди. Жамиятнинг оддий аъзолари ҳақиқий ижтимоий жараёнлар ғоявий талқиндан кескин фарқ қилишини ўз кўзлари билан кўрдилар. Танқидий фикрлаш қўникмасининг ривожланмаганлиги, ижтимоий-сиёсий, маънавий муаммоларнинг мустақил таҳлил этилмаганлиги, натижада нотанқидий фикрлашга ўрганиб қолганлиги тоталитар тузум даврида ижтимоий онгнинг жиддий қадрсизланишига олиб келди.

Ўтган ўн йилликлар давомида ўзлаштирилган нотанқидий фикрлаш кўникмаси илгари мавжуд бўлган "метиндек мустаҳкам" ижтимоий онгнинг қутбланишига ва бир-биридан ажралишига олиб келди.

Инсоннинг ўз меҳнати натижаларидан узоқлаштирилиши давлат сиёсатидаги ёлғончилик жамиятнинг турли қатламларида, биринчи галда ёшларда сурбетлик ва бефарқлик каби иллатларни пайдо этди.

Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсий иқлимни ўзгартириш зарурияти қуйидаги омиллар билан белгиланарди: биринчидан – давлат бошқаруви ҳамда ижтимоий ҳаётда демократик асосларнинг йўқлиги, иккинчидан – ижтимоий ишлаб чиқаришда инсоннинг ўз меҳнати натижаларидан бебаҳра қолиши, учинчидан – шахснинг маънавий ҳамда ахлоқан қашшоқлашуви, ижтимоий онгнинг икки хилга, яъни расмий ва ҳақиқийга бўлинганлиги, оқибатда унинг бузилиши.

Ижтимоий-сиёсий иқлимда амалга ошиши лозим бўлган ўзгаришлар йўналиши қандай?

Биринчи галда – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларга демократияни ва қонун устуворлигини татбиқ этиш.

Ижтимоий фикр доирасида эса — мафкуравий ҳукмронликни бартараф этиш, ижтимоий жараёнларнинг шахс томонидан, жамиятимизнинг ҳамма аъзолари томонидан мустақил англанилиши ва уларнинг ўз қарашларини эркин ифода этишлари учун имкониятлар яратиш.

Ишлаб чиқариш жараёнидан инсонлар йироқлашувини бартараф этиш ҳам жуда муҳимдир. Бунга бозор муносабатлари механизмлари ва тамойилларини жорий этиш, хусусий мулкчилик институтларини, турли иқтисодий тузилмаларининг ривожланиши, меҳнат натижаларини эркин тақсимлаш учун имкониятлар яратиш орқали эришилади. Яъни бу – мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва муносабатларининг шакланиши давомида кечаётган жараёнлардир.

Мазкур жараёнларнинг ривожида кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг, жумладан таълим ислоҳоти қандай роль ўйнаши мумкин?

Аввало, миллий дастур ғоя ва мақсадларининг амалга оширилиши мустақил ва эркин фикрлайдиган шахснинг мустақиллик ва демократия ғояларига содиқ, ўз Ватани фидойиси бўлган фуқаронинг, етук малакали мутахассиснинг шакланишига шарт-шароит яратади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этадиган, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир этадиган, ўз мамлакати ва оиласи тақдири учун масъуллигини ҳис этадиган шахсни шакллантириш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий мақсадларидандир. Бу мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига демократик асосларни татбиқ этиш, чинакам фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга эришишни жадаллаштиришга имконият яратади. Ҳар бир кишининг жамият ҳаётидан ўз муносиб ўрнини топиши, эркин фикрлаш қўникмаларининг, фикрлаш ва баҳс маданиятининг юксалиши ва натижада шахснинг бой ички дунёсини шакллантириш учун шарт-шароит яратилади.

Бу қулайликлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Унда шундай дейилади: «...Ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шакланиши учун зарур шарт-шароит яратилади». Бунга кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳар бир босқичида шахс имкониятларининг намоён этилиши, унинг ҳар томонлама ривожланиши ижтимоий шакланиши ва амалга оширилишини таъминлайдиган замонавий узлуксиз таълим тизимини жорий этиш билан эришиш мумкин.

Шахс, давлат ва жамият талабларини қондирадиган замонавий, ижчил ва узлуксиз таълим ва касб-ҳунар дастурларини, илғор педагогик ва ахборот технологияларини (шу жумладан таълимда стандартлаштириш «институти» орқали) жорий этиш учун шарт-шароит яратилади. Таълим ва касб-ҳунар дастурлари халқни бой интеллектуал ва маънавий-ахлоқий меросларига, умуминсоний қадриятларига, фан-техника ва маданиятнинг илғор ютуқларига асосланган ҳолда тузилади.

Мактабгача таълим даражасида мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий - ахлоқий тарбия олишлари, соғлом, ҳар томонлама камол топиб шакланишлари учун шарт-шароит яратиш, уларда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш, болани мактабга тайёрлаш, унда мунтазам таълим олиш ҳиссини шакллантириш имкони таъминланади.

Умумий ўрта таълим ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини таъминлайди, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат қўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради.

Касбга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис Марказлари тизими иқтидорли болаларни ва талантли ёшларни аниқлашга хизмат қилиши, уларнинг кейинги босқич таълимини тўғри ва онгли равишда танлашларига ёрдам бериш, доимий ўзгариб турувчи меҳнат бозори ҳамда таълим хизматларига мослашиб боришини таъминлаши лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг жорий этилиши том маънодаги янгиликдир.

Ёшларимиз умумий ўрта таълимни тугатганларидан сўнг яна уч йил академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттирадилар. Мажбурийлик — бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлилиги. Ихтиёрийлик эса ўқувчининг ўзи қизиққан ҳамда лаёқатига мос йўналишни (касб-корликни) эркин танлашдир.

Таъкидлаш жоизки, қонунга асосан академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг мақоми тенглаштирилган. Шу билан бирга улар ўз олдига қўйган мақсадлари билан бир-биридан маълум маънода фарқ қилади.

Академик лицейлар ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Касб-ҳунар коллежлари эса ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш кичик мутахассис, уста тайёрлаш имконини беради.

Олий таълим икки босқичли (бакалавриат, магистратура) бўлади ва у: олий ўқув юртлари мустақиллигини кенгайтириш, жамоатчилик бошқарувини йўлга қўйиш, таълимнинг индивидуаллаштириш технология ва воситаларини жорий қилишни, масофадан ўқитишни, халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси ва умуминсоний қадриятларига асосланган таълимнинг инсонпарвар йўналишини таъминлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши пировард натижада эркин ҳамда масъулиятли шахсни шакллантиришга олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, инсон бизнинг жамиятимизда ўз қобилиятларини ишга солиши, кўп қиррали маънавий ва моддий талабларини қондиришини англаши билан бир пайтда, жамият олдида ўзининг тўлиқ масъулиятли эканлигини билиб, унинг қонунларига риоя қилиши ва бу билан ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни барпо этишга кўмаклашиши шартлигини билиши керак.

Миллий дастурни жорий қилишда шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари нималардан иборат?

Аввалам бор, қуйидаги фактни таъкидлаб ўтиш керак: бундан олдин шу даражадаги ҳужжатларнинг ҳеч бирида, шунингдек, бошқа давлатларнинг шу каби замонавий дастурларида шахсни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда биринчи ўринга қўйиш ҳеч қачон қайд қилинмаган.

Шахс кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими миллий моделининг энг асосий, тизимни ташкил қилувчи таркибий қисми ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш борасидаги давлат сиёсати маънавий-ахлоқий тарбия билан узлуксиз боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган фуқаро шахсини шакллантиришни кўзда тутади. Бу ерда фуқаронинг муҳим конституцион ҳуқуқларидан бири – таълим олиш ҳуқуқи ижодий лаёқатларини намоён қилиш, жадал интеллектуал ривожланиши, касбига кўра меҳнат қилиши амалга оширилади.

Ҳар бир инсон таълим тизими, ижтимоий тарбия ва ривожланиш, касбий шакланиш орқалигина шахс бўла олади.

Натижада шахс ижтимоийлашуви рўёбга чиқади, жамиятда муҳим ишлари бажариш лаёқати, ижтимоий ролларни эгаллаш, ўз истеъдоди қобилиятларини тушуниб етиш, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатларга киришиш амалга ошади.

Таълим тизими янгиланишининг реал механизмлари, унинг шахс эҳтиёжларини қондиришдаги роли нималардан иборат?

Биринчи навбатда, бу таълимнинг кенг демократлаштирилганлиги, унинг инсонпарварликка йўналтирилганлигидир. Шунингдек, таълим тизимининг ихчамлиги ва табақалашганлиги, яъни жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш талабларига тезкор жавоблар топиш имкониятларини яратиш, шахс қобилиятларини, эҳтиёжларини ҳисобга олишдир. Бу эса шахснинг ижтимоий фаоллигини ва сафарбарлигини оширишга шароит яратади, унинг меҳнат бозори ва таълим хизматларига мослашувини таъминлайди.

Шахс таълим жараёнининг объекти эмас, субъекти бўлиб, унинг асосий иштирокчисига айланади. Ўқитувчи ва таълим муассасаси маъмуриятининг ҳукмронлиги бартараф этилиб, унинг ўрнига «ҳамкорлик педагогикаси»нинг татбиқ этилиши таъминланади. «Ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш» тамойили «ўқувчилар таълимнинг барча босқичларида ҳар томонлама фаол, тўлақонли ҳаёт кечирмоқдалар» тамойилига алмаштирилади ва бунда таълим жараёни барча қатнашчиларининг вазифаси ушбу ҳаётни самарали, ижодий қилишдир. Булар шахснинг ижтимоий фаоллиги ва йўналтирилганлигини, унинг ижодий имконияти, жамиятдаги жараёнларга фаол қўшилишини таъминлайди.

Таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашда маркетингни ривожлантириш орқали таълим хизматлари бозори шакланмоқда. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари тизими, пуллик консультатив ва таълим хизматлари ривожланаяпти. Булар билан таълим соҳасида бозор муносабати шакланмоқда.

Мана шу асосда Миллий дастурнинг қуйидаги асосий вазифаси амалга ошади: «... инсоннинг қобилиятларини аниқлаш ва унинг ҳар томонлама таълимий эҳтиёжларини қондириш». Демак, Миллий дастур татбиқининг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, бунда шахснинг ижтимоий фаоллиги ва сафарбарлиги, ижтимоий жараёнларда унинг онгли иштироки таъминланади.

«...Таълим Миллий моделининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шакланишига олиб келади».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим: миллий дастурнинг туб моҳиятига фалсафанинг ижтимоий чуқур аҳамияти ҳисобланмиш «эркинлик» категорияси, яъни танлаш ҳуқуқи асос қилиб олинган. Шахсга таълим йўналишини эркин танлаш имконияти яратиладики, бу Ўзбекистоннинг ижтимоий қурилишида олий инсоний қадриятлар татбиқ этилаётганини тасдиқлайди.

Ҳар бир шахсга эркин фикрлаши, шунингдек, мустақил, мақсадга йўналтирилган фаолиятни намоён этиши учун зарур шароитлар яратилади.

Миллий дастурни амалга ошириш жараёнида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий-маданий тарихий анъаналарга, халқ урф-одатларига ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ва педагогик шакл, воситалари ишлаб чиқилиб, татбиқ этилади. **Шахснинг тарбияси ва ҳар томонлама ривожланиши устуворлиги таъминланади.**

Умуман, миллий дастур асосини ташкил этган узлуксиз таълимнинг моҳияти инсоннинг онгли равишда, аниқ йўналтирилган ҳолда, ижтимоий тажриба, миллий маданий анъаналар ва замонавий воқеликни ҳисобга олиб ҳаракат қилувчи шахс сифатида шакланишини таъминлайди.

«... Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади».

Ҳар бир инсонда атроф-воқеликдаги ҳодисалар ва қонуниятлар тўғрисидаги билимларни ўрганиш, жамиятда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида фикрлаш, маънавий-ахлоқий қадриятлар, ижтимоий ҳулқни ўзлаштириш асосида яратилган муайян даражадаги интеллектуал салоҳият мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, бугунги шароитларда давлат ва жамиятнинг кадрларни тайёрлаш ва жойжойига қўйишдаги кафолати сифатидаги роли кўп йиллар давомида ҳукм сурган аввалгисидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Узоқ йиллар амалда бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизимида давлат тотал назорат йўлидан борди, олий ўқув юртлари битирувчилари тақсимотининг қаттиқ тизимига амал қилди. Шундай қилиб, кадрларни «сифатли тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш» хомхаёли шакланди.

Демократик жамият ва бозор иқтисодиёти шароитларида «кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйишда давлат кафолати» тушунчаси том маънода ўзгача моҳият касб этади: таълим хизматлари бозори, таълим олишнинг турли шакларини шакллантириш назарда тутилади.

Бунинг амалга ошувига узлуксиз таълимнинг ислоҳоти имкон яратади: 12-йиллик ихтиёрий-мажбурий таълимни, унинг моҳият жиҳатидан тамомила янги тури — ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий қилиш, шунингдек, икки босқичли олий таълимни яратиш. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мақсад-вазифаси — жамиятнинг бой интеллектуал, маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришдир.

Бундан ташқари, «ҳудудларнинг демографик ва жуғрофий шароитларини, тегишли ихтисосликка бўлган маҳаллий талаб, таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда максимал даражада қамраб олишини ҳисобга олинган ҳолда» яратилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мамлакат минтақалари ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади, республика ҳудудлари бўйича малакали кадрлар тақсимоти дисбалансини йўқотади, шунингдек, жамият имкониятларини кенгроқ очишга ёрдам беради.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимки, бозор иқтисодиётининг асосий моҳияти уларнинг субъектлари орасидаги муносабатларни демократиялаштириш, рақобатни ривожлантириш, мустақиллик, ташаббус ҳамда бошқалар асосида иш юритишдадир. Натижада бу жиҳатлар таълимга ҳам тегишли талаблар қўяди. Таълим дастурлари ихчам ва мослашувчан бўлиши, мазмуни эса доимо шахс, давлат ва жамият эҳтиёжлари асосида ўзгариб туриши лозим. Янги шароитларда давлат малакали кадрларни тайёрлаш кафолати сифатида (таълим ва касб дастурларини стандартлаштириш институти орқали) таълим жараёнини, айниқса, сўнгги натижа-рақобатбардош, малакали кадрларни тайёрлаш сифати устидан назорат қилади.

Давлат таълим стандартлари ва бошқа механизмлар воситасида давлат мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият талаблари, фан техника, технологиянинг илғор ютуқларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш сифати ва мундарижасига бўлган умумий талабларни қатъий белгилаб қўяди. Бунда таълим жараёнини демократлаштириш, халқчиллаштириш, инсонпарварлаштириш амалга оширилади, сифатли таълим хизмати, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахс,давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатланади. Шундай қилиб, бундай шароитларда кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизими ихчам ва мослашувчан бўлиб шакланади.

Жамиятимизнинг потенциал имкониятларини очиб бериш Миллий дастурни амалга оширишнинг қайси йўналишлари бўйича амалга оширилади?

Биринчи навбатда, бу янги шахсни шакллантиришдир (миллий дастур айнан шу нарсага йўналтирилган). Шахснинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг ижтимоий фаоллиги ва сафарбарлигини ошириш орқали демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш жараёни тезлаштирилади.

Янги шахсни шакллантириш орқали мамлакат иқтисодининг ўсиши, халқ фаровонлигининг ошиши учун шароитлар таъминланади.

Миллий дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши узлуксиз таълимнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларидаги ягона ўқув ва илмий - ишлаб чиқариш мажмуи сифатида тараққий этишини таъминлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришни назарда тутади.

Миллий дастур мазмунини амалга ошириш миллий-маданий тарихий қадриятларнинг тикланиши, жамиятнинг маданий баркамоллашуви, ҳар бир инсон ва умуман жамиятнинг интеллектуал салоҳиятининг ўсиши ва охир-оқибатда эркин фикрловчи шахсни шакллантириш жараёнини тезлаштиради.

Миллий дастурнинг муваффақиятли бажарилиши Ўзбекистоннинг мустақил ички ва ташқи сиёсатга эга бўлган, минтақавий ва умумжаҳон жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир давлат сифатидаги халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро обрў - эътибори кадрларни тайёрлаш даражаси, уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги, Республика узлуксиз таълим тизимининг таълим хизмати бозорига очиқлиги, ахборот ва мутахассислар алмашишда алоҳида аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклашга йўналтирилганки, бу ўз навбатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда катта ҳисса бўлиб хизмат қилади.

Бундай жамият, аввало, шахснинг жамиятга нисбатан муносабатидаги мувозанат, ҳуқуқ, эркинлик ва бурчдаги ўзаро таъсирга асосланади. Ҳар бир инсон тегишли ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади, давлат эса уларга амал қилишнинг кафолати ҳисобланади. Инсоннинг фуқаролик жамиятидаги мавқеини белгилаб берувчи асосий методологик тамойил қуйидагидир: инсон ўз мақсадларини амалга оширишда бошқа кишиларнинг эркинлигига дахл қилмаган ҳолат даражасида эркиндир. Шу билан бирга ҳар бир фуқаро қонунларга риоя этиши, жамиятнинг бошқа аъзолари эркинлигини чеклаб қўймаслик учун ўз ижтимоий ахлоқини қуришга мажбур.

Бу аниқ, ривожланиб борувчи ҳуқуқий маданиятни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида, айнан, янги ҳуқуқий тафаккур, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга алоҳида урғу берди. Бунда ушбу муаммонинг жуда муҳим икки жиҳати таъкидлаб ўтилди. **Биринчиси – бу эски ҳуқуқий тафаккур унсурларини йўқотиш бўлиб, унда қонун турли ижтимоий гуруҳлар ёки алоҳида шахслар учун табақалашган, натижада «ҳуқуқий бўшлиқ ҳудудлари» вужудга келган эди. Бугун «қонун – ягона устувор куч, унинг олдида барча баробарлигига бўлган ишончни шакллантириш зарур. Иккинчиси — «инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устуворлиги, демакки, инсон ҳуқуқлари бош қадрият бўлиши лозим»лиги тамойилини татбиқ этиш.**

Ҳуқуқий маданият икки асосий омил негизида шаклланади.

1. Ижтимоий амалиёт таъсири. Бу — ҳуқуқий маданият объектив шароитларда жамиятда вужудга келадиган ўзаро муносабатларда шаклланишини англатади. Фуқаролардаги қонунга бўлган ҳурмат миллий қадриятлардан бири ҳисобланади. Жамият, шахс ҳуқуқий маданиятининг шакланиш асослари — қонун устуворлиги ва қонунга қарши ҳаракат учун жазонинг муқаррарлиги тамойиллари ҳисобланади.

2. Ҳуқуқий маданият таълим жараёнининг натижаси ўлароқ шаклланади. Ўзбекистонда таълимнинг ҳам ташкилий ва ҳам мазмун жиҳатдан ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тамойилларига жавоб бера оладиган модел яратишга йўналтирилган.

Миллий дастурда фуқаролик жамиятининг устуворлиги таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш ислоҳотининг жамиятда олиб борилаётган ўзгаришлар, ривожланган, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Миллий дастур таълимни демократлаштиришни таълим муассасалари мустақиллигини, таълим-тарбия усулларини танлаш, таълимни бошқаришнинг давлат-ижтимоий тизимига ўтиш орқали амалга оширишни ўз ичига олади.

Таълимни инсонпарварлаштириш деганда инсон салоҳиятини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш, шахс, жамият ва атроф-муҳит уйғунлигига эришиш тушунилади.

Таълимни инсонпарварлаштириш – бу ўқувчилар ва ёшларда эстетик бой дунёқарашни, юқори маънавият ва ижодий фикрлашни шакллантиришдир.

Умуман, миллий дастур фуқаролик жамиятида инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан бири – таълим олиш ҳуқуқи, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини намоён этишнинг муҳим омилини ўзида мужассам этади.

«... Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Ўзбекистонга халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш имконини беради».

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият билан ингреграциялашуви нафақат Ўзбекистоннинг халқаро жараёнларда иштироки, балки **улар ҳаракатига фаол таъсирни ҳам англатади.**

Сиёсий соҳада бу мамлакатимизнинг мўътадил халқаро муҳитни шакллантириш, халқаро можароларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, хавфсизликнинг минтақавий ва кенг миқёсдаги механизмларини ишлаб чиқишда унинг нуқтаи назарининг сезиларли аҳамияти демакдир. Ўзбекистон барқарор фуқаролик жамияти, кучли ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга, илғор демократик давлат намунаси бўлиши лозим.

Иқтисодий соҳада – бу кучли, ички имкониятлар асосида ривожланувчи салоҳиятни ривожлантиришдан иборатки, у нафақат мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тенгҳуқуқлиги, балки Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги муҳим тармоқларда алоҳида ўрин эгаллашини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашуви асосида ривожланаётган, тараққий топган фуқаролик жамияти шакланаётган давлат сифатида интеграциялашяпти, Ўзбекистон – очиқ жамият бўлиб, унинг бошқа ижтимоий тизимлар ва давлатлар билан ўзаро муносабатлари тенгҳуқуқли ва икки тарафлама манфаат асосида амалга ошмоқда.

Ўзбекистоннинг юксак халқаро обрў-эътибори, дунё сиёсий ва иқтисодий ҳамжамиятидаги алоҳида ўрин эгаллашининг муҳим шартларидан бири кадрлар тайёрлашнинг кучли интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантиришдир. Ана шулар воситасидагина ўсиб борувчи, тараққий топган иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани яратиш, фуқаролик жамиятини қуриш, унда тинчлик ва барқарорлик, халқ фаровонлигининг ошишини таъминлаш мумкин.

Ҳар қандай даражадаги яқин халқаро алоқаларни йўлга қўйиш кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимининг самарали фаолият кўрсатиши ҳамда ривожланишининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Хориж тажрибасини ўрганмай, унинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилмай, икки томонлама манфаатли халқаро ҳамкорликни йўлга қўймай туриб мамлакатнинг юқори даражадаги таълим салоҳиятини яратиш мумкин эмас.

Ўзбекистон таълим тизимини янгилаш ва ривожлантириш дунё ҳамжамиятида амалга ошаётган интеграция жараёнида ривожланишининг бир элементидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий ғоянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мафкура яккаҳокимлиги шароитида миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, бақамандалик, миллий маҳдудлик, ўзга ғояларга ёт қараш руҳияти шакланди. Мафкура турли фикрлар, ташаббус ва шахс мустақиллигини эзувчи восита вазифасини ўтарди.

Ушбу тамойиллардан воз кечиш ижтимоий онгнинг аниқ, ажралмас элементи ҳисобланмиш мафкурадан воз кечиш дегани эмас. Шахс, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар мезон ва қоидалари, тамойил ва механизмлари асосида ўз мафкурасига эга бўлади. Аммо, тоталитар тузумдан фарқли ўлароқ, қонунчилик томонидан мустаҳкамлаб қўйилган эркинлик, ҳуқуқ, бурч мавжуд бўлган демократик жамиятда мафкура ҳаракатлантирувчи куч, ижтимоий манфаатлар генератори, ижтимоий ва шахсий талаб ҳамда интилишлар воситаси вазифасини ўтайди. Бунда мафкура халқнинг анъанавий турмуш тарзи, ижтимоий тажрибаси, ижобий анъана ва удумлари инъикоси бўлиб қолади. **Шу маънода ижтимоий мафкура миллий мафкурадир.**

Йўлбошчимиз Ислом Каримов миллий мафкура моҳиятини шундай ифодалайди: **«Жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши керак».**

Шу маънода «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бугунги кунда барча давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларнинг умумий ишига айланди яъни, **тараққиётнинг улкан мақсадларини эгаллашга йўналтирилган умумхалқ, умуммиллий иш бўлиб қолди. Айнан шу маънода Миллий дастурга миллий ғоянинг ажралмас қисми сифатида қаралади.**

**Шундай қилиб,

МЕН ҲАМ МАЖЛИСИНГИЗГА БОРАРДИМ...

(Боши 1-бетда)

боласини бирорта одам ёмон дейишини хоҳламаса керак. Лекин ўқитувчи бунга айтиши керак, қандай айтади, ҳамма гап шунда. Тез-тез эшитиб турамиз, эй, мен боламни бошқа синфга ўтказдим, ўқитувчиси ёмон ёки бўлмаса мен боламни бошқа мактабга олдим, у мактаб бўлмайди, дейишади. Аслида ёмон мактаб ҳам, ёмон ўқитувчи ҳам, ёмон ўқувчи ҳам йўқ. Агар инсонлар бир-бирини яхши тушунса ҳаммаси яхши бўлади, ёмон деган сўзга ўрин қолмайди. Албатта кўпчилик олдида боласининг ножўя иши учун обрўси тўкилган ота ёки она қайтиб мажлисга келмайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мен ёмон ўқийдиган ҳулқи оғир ўқувчиларнинг ота-оналарини алоҳида, қўшни синф хонада қабул қиламан. Ҳар бир бола ҳақида қисқача маълумотномани ўзим учун тайёрлаб қўяман. «Ёмон» ўқувчининг ҳам яхши фазилатлари бўлади албатта, мен боланинг шу фазилати ҳақида тўхталиб, унинг шу хислатлари менга ёқишини, шу нарсаларга эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб таъкидлайман. Шундай ота-оналар борки, ўз боласининг ожизликларини ўзлари ҳам сезишади ва шу масалада уларни аяб айтганингиз учун ичида сиздан миннатдор бўлиб, ўша кундан бошлаб сиз айтган камчиликларни тезроқ йўқотишга киришишади. Аълочи ёки яхши ўқувчилар ота-оналарининг бешта олтитасини бирданига қабул қилиб суҳбатлашиш мен учун ҳеч қанақа қийинчилик туғдирмайди. Уларнинг вақти ҳам, менинг вақтим ҳам тежалади. Алоҳида суҳбатни тугатгач, роппа роса олтида ҳаммамиз йиғилиб, синфимиз ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишларида кўпроқ ўқувчиларни биз катталар билан, хусусан, ота-оналар билан чин дилдан бўладиган самимий мулоқотга муҳтож эканликлари ҳақидаги ҳодисалар ҳазил тариқасида ҳеч кимни хафа қилмасдан ижро қилинади. Хуллас кўриниш тугагач, ташаббусни яна ўз қўлимга олиб, энг долзарб масалаларга тез-тез аниқлик киритиб, мажлисни тугатиб, яна 15-20 минутга ота-оналар кўмитаси аъзоларини олиб қоламан. Улар ўзлари лозим топган масалалар бўйича қандай гап бўлса, ота-оналарга етказишади. Кўрдингизми, бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Ростини айтсам, ўқитувчининг бу муомала маданиятини англаб, кўнглимдан шундай ўй ўтди: болам шу ўқитувчининг синфида ўқиганда бирорта ҳам ота-оналар мажлисини қолдирмаган бўлардим.

Сайитжон АБДУЛЛАЕВ,
Сирғали тумани МЎИЧК директори

Тошкент давлат жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўрганишга ихтисослашган лицейда тил ўрганиш учун барча шароит муҳайё. Ёшларнинг талабларини қондириш учун дарсларга фақат институтнинг моҳир тилшуносларигина эмас, балки чет эллик мутахассислар ҳам жалб этилган.

Суратда: Турли тил мутахассислари: Америкалик Теми Фокс, япониялик Акира Имихара, рус тили ўқитувчиси Нина Борзова ва бошқаларни бир мақсад, яъни болаларни билимли қилиш бирлаштириб турибди.

Р.Альбеков олган сурат

АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси ўтказилди. Йиғилишни ушбу комитет раиси, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов олиб борди. Унда РТМ директори муовини М.Абдураимова ахбороти тингланди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач бу тилнинг нуфузи янада ортиб, уни ўрганишга эҳтиёж кучайди. Эҳтиёж заруратга айланди. Заруратни қондириш учун эса Республика таълим Марказида таълим бошқа тилларда (рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман) олиб бориладиган муассасалар учун кўплаб ўқув-методик адабиётлар яратилди ва яратилянти.

Айниқса ҳозирги таълим ислоҳотлари жараёнида узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш шарти улардан янада самаралироқ фойдаланиш талаб этилянти. Шунга кўра Давлат таълим стандартларига жавоб бера оладиган дарслик яратиш учун «Ўзбек тили ва адабиётидан Давлат таълим стандарти» (Р. Йўлдошев ва бошқалар) ва шу асосда 2-9 синфлар учун «Ўзбек тили ва адабиёти» синов дастури (Р. Толипова ва бошқалар) лойиҳаси яратилган эди. Мазкур дастурнинг амалдаги дастурлардан фонетик, лексик, грамматик ва нутқий билимлар ягона мақсадга йўналтирилганлиги, маълум бир нутқий вазифани бажариши билан фарқланади. Дастур пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 120-мактаб да синовдан ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда тажриба-синов дастури асосида 2-9-синфлар учун синов ўқув қўлланмалари тайёрланмоқда.

Шунингдек, Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ олимлари томонидан таълим қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 2-9-синфлари учун ўзбек тилидан «Давлат таълим стандартлари», шу асосда ўзбек тили ва адабиётидан муқобил синов дастурлари яратилди. Улар мазкур институт қошидаги тажриба-майдончаларида синовдан ўтказилянти. Гарчи баъзи муаммолар туғилаётган бўлсада ўз вақтида замон талаблари даражасидаги дарсликлар яратиш иши олға силжиянти.

Р. БОЙМАТОВ

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида маънавият масаласига бағишланган семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб бориш яхши анъанага айланган. Унда мамлакатимиздаги кўзга кўринган мутахассис-олимлар ва ҳукуматимизнинг нуфузли вакиллари иштирок этмоқдалар. Юқори савияда олиб борилаётган бундай тадбирлар тингловчиларнинг тафаккурини кенгайтиришда, ижтимоий дунёқарашини юксалтиришда ва замонавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Яқинда илм даргоҳимизда «Халқнинг маънавиятини юксалтиришда оммавий - ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати барчада жуда катта таассурот қолдирди. Ғоятда қизиқарли ва жонли ўтган суҳбатда «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг муовини Иброҳим Норматов, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Михли Сафаров иштирок этдилар.

Хуршид Дўстмуҳаммад мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг маънавиятини юксалтириш, улар ҳаётини фаровон қилиш ҳамда Ватан қувватини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ислоҳотларнинг нечоғлик амалда акс этишида оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлар экан, улар олдида турган бир қатор вазифалар, масъулиятлар, мақсадларни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтди.

Давра суҳбати асосан баҳс-мунозара тарзида ўтди. Суҳбат давомида тингловчилар муҳокамага, фикрлашга баҳсга чорланди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига оид айрим муаммолар очиқ-ойдин ўртага ташланди. Уларни ҳал қилишнинг йўл-йўриқлари устида алоҳида тўхталиб, фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Суҳбат иштирокчилари тингловчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Давра суҳбатини Академия профессори, фалсафа фанлари доктори Усмонжон Қорабоев олиб борди.

Муяссар УМИРОВА

ЖАҲОНГИРНИНГ МУҲАББАТИ

9 aprel — Amir Temur tavallud topgan kun

Яна Бибиҳоним тўғрисидами, дерсиз?! Бироз шошманг! Чунки бу аёл узининг ўткир ақли, билимдонлиги, зукколиги билан буюк Соҳибқироннинг умр бўйи ҳурмат-эътиборини, ишончини қозонган бўлса, ундан анча олдин, аниқроғи, Темурбек эндигина йигирма икки баҳорни қаршилаётган пайтда аслзода бир қиз унинг кўнгил осмонида суюкли муҳаббат юлдузи каби ёрқин порлаган эди.

У шунчаки ожиза эмас, балки катта-катта синовлардан ўтган, ниҳоятда кучли ва ниҳоятда жанговор аёл эди. Унинг асл исми Камолой бўлиб, кейинчалик Улжой Туркон номини олганди.

Туркон номи аслзода, фаросатли, уқувли, билимдон аёлларга бериларди, бу ҳам ўз навбатида, ожизалар тарбиясида катта ўрин эгалларди.

Камолой покиза, одоб-ахлоқли қиз бўлгани учун ҳам шундай юксак, шарафли номга сазовор бўлганди.

У пайтларда аслзода хонадон ожизалари илмда ва курашда паҳлавон йигитлар билан тенглаша олишлари шарт эди. Эрамиздан олдинги 1 минг йилликда ҳам бундай анъаналар мавжуд бўлган. Масалан, бир қизга уйланмоқчи бўлган йигит, албатта, ундан ғолиб чиқиши, яъни яккама-якка курашда ғалабани қўлга киритиши шарт эди.

Темурбек Камолой билан дастлаб Чиғатой амирларининг бошлиғи амир Қазағон саройида учрашади. Соҳибқирон ҳазратлари табиатан кучли, адолатли кишиларни тан олар, уларга ҳурмат билан қарарди. Улжойнинг елиб кетаётган отда жасур навкарлардек душманга қарши қилич ўйнатиши, сувда чаққон сузиши, лабзи покизалиги уни ўзига ром этади. Шу билан бирга Камолой тонг юлдузи каби кўзга ташланувчи гўзал қиз эдики, унга кўзи тушган ҳар қандай йигитнинг кўнгли нозвотдек эриб, қалбида муҳаббат оламининг безовталиги бошланарди.

Ҳар иккала ёш амир Қазағон саройида, шикорларда тез-тез юзма-юз келадилар. Бир-бирларини синайдилар, бир-бирларини зимдан кузатадилар. Кишилар уларнинг мардликлари, энг яхши хислатлари тўғрисида завқланиб сўзлайдилар. Бу ҳолатлар уларнинг қалбларидаги муҳаббат оташини янада аланга олдиради.

Камолойнинг мункиллаб қолган бобоси амир Қазағону тахт ҳавосида юрган акаси амир Ҳусайн учун ҳам кучли ақл-заковатга, катта ҳарбий билимга эга бўлган Темурбек билан қариндош бўлиши кўпдан буён кутилаётган бахт, айни кўзланган режа эди. Чунки шу йилларда Темурбек Мовароуннаҳрдан ташқарида ҳам машҳур киши сифатида аллақачон тилга тушган эди.

Айни пайтда эса Чиғатой тахти хавф остида турар, Тўғлуқ Темур истаган вақтда Мовароуннаҳрга бостириб кириши мумкин эди. Амир Қазағон Темурбек ёрдамида Балх, Ҳирот, Туркман дарёларини қўлга киритиб, невараси Ҳусайнга бериш илинжида юрарди. Ниҳоят, у Темурбекка ўз невараси никоҳлаб беради. «Бундай шарафдан мен қаттиқ ҳаяжонландим, - деб ёзади Темурбек ўз эсдаликларида. – Амир Қазағон менга жуда кўп совғалар ва қорамол ҳадя қилди. Лекин у салтанат ишларида ношуд эди: истасам, ундан осонлик билан улусни тортиб олишим мумкин. Аммо берган тузи ҳурмати учун сабр тариқини сулук айлаб, чидам йўлини барқарор эттим».

Нима бўлганда ҳам амир Қазағон кўзлаган мақсадига эришади: Темурбек амир Ҳусайн билан иттифоқ тузади. Улар ўзаро бирлашиб, Хуросонни қўлга киритишни кўзлайдилар. Ишлар ўнгидан келса, Ҳусайн Хуросон ҳокимлигини иккига бўлишга рози эканлигини билдиради.

«Амир Ҳусайн менинг ёрдамим билан Ҳиротга эга бўлди, - давом этади Темурбек. - Лекин Ҳирот ҳокимлигини мен билан бўлишиш ҳақида ўйламасди».

Соҳибқирон уни Ҳиротдан ҳайдаб юбормоқчи бўлади, аммо амир Қазағон берган тузга тупуриб, хиёнат йўлига ўтишни хоҳламайди.

Амир Қазағон уни самимий қарши олади. Саройда ҳам Темурбек «Бир кун туз еган жойингга қирқ кун салом бер» удумига амал қилади, яъни улус амирига яқиндан ёрдам беради, аниқроғи, Қазағонни ўлдирмоқчи бўлганларнинг кирдикорларини очиб ташлайди. Амир Қазағон: «Уларга қандай жазо лойиқ?» деб сўраганида, Темурбек ақлли жавоб бериб, ўзининг зукколигини намойиш этади. Шундан сўнг амир Қазағон фитначиларни ҳалялар билан сийлайди. Кўзи оч амирлар бир-бирлари билан жанжаллашиб қоладилар ва шу тариқа фитна бузилади.

Миннатдор амир Қазағон Темурбекнинг бу олижаноб хизматлари учун унга Шибирғон шаҳрини ҳадя этади.

Иккинчи марта амирлар Амир Қазағонни ов пайтида ўлдирмоқчи бўладилар. Аммо бу ерда ҳам Темурбек уни фитнадан қутқариб қолади. Бу хизмати учун унга Бойсун тоғларидаги Шодмон қалъаси инъом этилади.

Фитначилар барибир ғараз мақсадларига эришадилар. Бир куни Амир Қазағон бир неча нафар кишиси билан овга боради. Амир Тўғлуқ Темур ва Хусрав Боёнқули фурсат топиб, «...ул амри пок, замири адолатни шаҳид қилиб, шикоргоҳ тупроғини ақлсиз сайёдлар шоҳбозининг қони бирла лолагун эттилар».

Амир Қазағон ўлимидан кейин ҳам Темурбекнинг Камолойга бўлган муносабати ўзгармади. Аввалари уни қандай ҳурмат қилган бўлса, кейин ҳам шундай эъзозлади, ардоқлаб юрди.

Аччиқ бўлса-да, айтиш керак, биз кўрдикки, кечагина, шўролар даврида бир-бирлари билан қуда-анда бўлган амалдорлар бириси ишдан кетгач, иккинчилари икки ёшни зор қақшатиб, келинни бевага, бегуноҳ гўдакларни тирик етимга айлантирдилар. Ваҳоланки, ўз замонида Темурбекнинг аҳволи уларникидан юз чандон оғирроқ эди. Амир Ҳусайндек мол-дунёга хирс қўйган қайноғасининг баднафс кирдикорларига чидашга, у билан келишишга мажбур эди.

Балх шаҳрини қўлга олиш пайтдаги яна бир воқеа Темурбек ва Амир Ҳусайн ўртасидаги муносабатни ойдинлаштиради.

Темурбекнинг инсонийлик хислатларидан бири шу эдики, у ҳеч қачон бировга бесабаб зўғум қилмас ёки кишиларни бесабаб асоратга солмасди, аксинча, кучсизларни кучлилардан ҳимоя қилар, бошини эгиб келганларга мурувватини аямас, шаҳарларни, қалъаларни иложи борича қон тўкмасдан қўлга киритишга ошиқарди.

Балх Темурбекка сўзсиз итоат этади. Шаҳар аҳли бениҳоя катта товон тўлайди. Аммо Соҳибқирон бойликка бурилиб ҳам қарамайди. Маълумки, ўша пайтнинг одатига кўра, ғолиб саркардага ўлжанинг бешдан бир қисми тегиши керак эди. Бундан бошқалар, хусусан, қаландарлар анча фойда кўришар, масжид, мадрасалар таъмири учун ҳам маблағ ажратилади.

Ҳусайн бундан қаттиқ норози бўлади ва шаҳар ноиби сафатида ўлжанинг бешдан бир қисмини талаб этади.

Бу воқеаларни кузатиб турган Улжой акасининг нақадар пасткаш, тубан киши эканлигидан нафратланади.

Темурбек ўз навкарларига маош тўлолмайди ва оқибатда бир-икки қўриқчисию, вафодор ёри Улжой билан Ҳиротга қайтишга мажбур бўлади.

Улжой ҳар қандай қийинчиликларга чидади, буюк саркарда билан керак бўлса, жангга кирди, оч - наҳор чўлу биёбон кезди, тоғу тош ошди. Туркман амири Алибек Жониқурбон томонидан асир олиниб, эллик икки кун зиндонда азоб - уқубат тортганда ҳам унга бир оғиз таъна қилмади, аксинча, унинг буюк келажак эгаси эканлигини башорат қилиб, кўнглини кўтарди, унга зафарлар тилади. Шунинг учун бўлса керак, Темурбек умр бўйи уни эсдан чиқармади, унутмади.

Уша пайтдаги қонун-қоидаларга кўра, шоҳлар ҳарам тутишга, ўнлаб канизаклар сақлаш ҳуқуқига эга эдилар. Аммо Темурбек Улжой ёнида экан, ҳарамни - ку қўя туринг, бошқа аёлга уйланишни хаёлига ҳам келтирган эмас.

1375 йилда Улжой вафот этади. Бу мусибат Темурбекни анча толиқтириб қўяди. Унинг анча кўнгилчан, дардни яқин оладиган киши эканлиги бугун ҳаммага маълум.

Али Яздий, Низомиддин Шомийнинг асарларида бу тўғрида батафсил ҳикоя қилинган. Ҳатто қизи Ака Беги, ўғли Жаҳонгирлар оламдан кўз юмишганда, давлат ишларини ҳам ташлаб қўйганлиги айни ҳақиқатдир. Улжой эса унинг нафақат ёстиқдоши, балки керакли пайтда шахсий қўриқчиси, маслаҳатчиси, яна қўшимча қилиш мумкинки, энг ишончли «вазири» эди.

Улжой вафотидан сўнг Темурбек ёлғизланиб қолди, кайфиятдан тушган, кўнгли дунёдан қолганди. Ҳусайн улимидан сўнг, унинг барча бойликлари қатори катта ҳарами ҳам Темурбекка ўтади. Ҳусайннинг хотини Бибиҳоним хон қизи бўлса-да, Темурбек аввалига унчалик ҳам мурувват кўрсатмайди, фақат унинг аччиқ таънасидан кейингина Улжойдек фаросатли аёлга муҳтожлиги ҳақида мушоҳада юритади. Ва уни суҳбатга чорлаб, ниҳоятда зукко, доно аёл эканлигини билгач, ҳарамига олиб қолади. Тарихдан маълумки, Бибиҳоним нафақат сарой юмушларида бола тарбиясида, балки салтанат ишларида ҳам Темурбекка яқиндан ёрдам кўрсатади. Бибиҳоним билан боғлиқ жуда кўп воқеалар халқ орасида афсонага айланиб кетган.

Лекин, нима бўлганда ҳам, фақат Улжойгина Темурбекнинг покиза муҳаббат юлдузи бўлиб порлаганди. Муҳаббат битта бўлади, деганлари рост.

Тўлқин ҲАЙИТ

«ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ БИЛАН»

Самарқанд қурилиш лицейида бўлиб ўтган очиқ мулоқот соати ана шундай номланди. Маънавият ва маърифат бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ушбу сиёсий анжуманда 16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган нохуш воқеалар ва унинг асоратлари муҳокама этилди.

Очиқ мулоқотда вилоят хатиб имоми Мустофоқул Меликзода, Темирйўл тумани прокурорининг ўринбосари Аъзамжон Турсунов, қурилиш лицейи директори Имомқул Сувонқулов, директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Мадамин Ражабов, лицей талабаси Дилафрўз Тўхтасинова ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидаги долзарб масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу куни ҳунар маскани ўқитувчилари бир кунлик иш ҳақлари ва стипендияларини февраль воқеалари хайрия фондига ўтказишди.

А. МАМАСОДИҚОВ

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Яқинда Ш.Рашидов тумани Ҳамза номидаги 15-ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Бу тадбир ташкилотчиларининг мақсади мактабда «Ҳуқуқшунослик» дарсларининг ўтилиши , юқори синф ўқувчиларининг ҳаётга қанчалик тайёр эканлигини, «Жиноят» ва унинг салбий оқибатлари, жамиятда қонун устуворлиги ва ҳозирги кунда Ватанимизнинг ижтимоий ва сиёсий йўналишига муносабатларини билиш эди.

Танловда «Адолат» ва «Жасорат» гуруҳлари иштирок этишди.

Гуруҳ иштирокчилари нафақат ҳуқуқий билимларини, балки кўрик-танловда кўзда тутилган ҳуқуқий билимлар асосида саҳнавий кўриниш ва эркин мавзудаги чиқишларида кундалик ҳаётимизда учрайдиган айрим иллатларни кескин танқид остига олдилар.

Танловда туман бош прокурори Э.Бойбўриев, туман суди раиси Ғ.Холматов, туман ИИБ бошлиғи К.Жониқуловлар қатнашишди ва гуруҳлар чиқишларига ҳакамлик қилишди.

Танлов якунида гуруҳларга мактаб маъмурияти, «Камолот» мактаб-ёшлар жамғармасининг ва ҳомийлик қилган «Жўлмат» фермер хўжалигининг эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ОЧИЛОВ

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

ТошДУ қошидаги Олий Педагогика институтида мароқли учрашув уюштирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссияси раиси ўринбосари, профессор М.Баходирхонов «Миллий кадрлар тайёрлашда Олий Аттестация комиссиясининг фаолияти», Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими, профессор М.Обилов «Маънавий янгиланиш муаммолари», Халқаро «Олтин Мерос» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, доцент У. Уватов «Ислом динининг ҳозирги давр ижтимоий ҳаётидаги ўрни» мавзуларида маърузалар қилишди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Учрашув охирида ОПИ директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш. Шаропов тингловчиларга битирув гувоҳномаларини топширди.

МУХБИРИМИЗ

«НАВРЎЗ—99» ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи кезаётган шу кунларда «Наврўз-99» театр санъати фестивали ҳам ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида фестивал ташкилотчилари билан матбуот ходимларининг мулоқоти бўлиб ўтди.

Театр маълум маънода маърифат улашувчидир. Фестивалда намойиш этиладиган спектакллар мамлакатимизда театр санъатининг бугунги кундаги ўрни ҳақида фикр юритиш имконини беради. Матбуот конференциясида иштирок этган Маданият ишлари вазири ўринбосари Муҳаммадали Абдуқўндузов, фестивал ҳайъати раиси, Ўзбекистон Халқ артисти Турғун Азизов фестивални ўтказиш тартиби, ҳомий ташкилотлар, фестивалга таъсис этилган мукофотлар ҳақида тўлиқ ахборот берди.

Ҳар бир вилоят театрлари, пойтахтимиздаги «Ҳамза», Аброр Ҳидоятов, Муқимий номидаги театрлар ўзларининг биттадан спектакллари билан қатнашадилар. Фестиваль арафасида йилнинг энг яхши деб топилган спектакли, актёри, режиссёри ва бошқа қатнашчилари аниқлади.

Хуллас, театр байрами давом этмоқда.

Шораҳим ШОИСҲОҚОВ

«ҚОБИЛЛИК ВА ҚОДИРЛИК»

(«Маърифат», 1999 йил 20 январь)

Ҳурматли «Маърифат» газетасининг жонкуяр ходимлари. Мен бу мактубни ёзишдан олдин жуда кўп ўйландим. Кимгадир ўз ўйларимни, ниятларимни айтгим келди. Уларни сизларга етказишга қарор қилдим. Ўзим ўқитувчиман. Мана, 15 йилдан буён ўқувчиларга дарс бериб келмоқдаман. Ҳар сафар дарсга ҳудди янги ишга келгандек қувонаман. Чунки ўз касбимни севаман. Ўйдаям, ишдаям, кўча-кўйда ҳам янги фикрлар, хаёллар билан яшайман.

Яқинда ўқитувчилар йиғилишида директоримиз қўлига «Маърифат» газетасини олиб, ўқитувчиларга 20 январь кунги сонидаги «Қобиллик ва қодирлик» сарлавҳали мақолани ўқиб эшиттирди. Мақола менга жуда ёқди. Йиғилишдан кейин гимназия кутубхонасига кириб мақолани бошдан-охир ўқиб чиқдим. Ростини айтсам, «Маърифат»да йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Сен, менга йўлбошчи, ҳамроҳсан. Ўз касбимни севишимда, иш фаолиятимда, ўқувчиларимни тўғри, баркамол ўстиришда менга кўмакчисан. Сенга чуқур эҳтиром ила сенга ишоним қолувчи

ДИЛФУЗА,
Кува туманидаги
1-гимназия

1999 йил 20 январь «Маърифат» газетасида Аскар Шокирнинг «Қобиллик ва қодирлик» мавзусида тарбиявий мазмундаги мақоласи мени анча ўйга солди. Тарбия ҳақида мақола ёзиш энг қийин иш. Шу сабабли, ҳамма болани бир хил йўл билан тарбиянинг энг олий чўққиси - «комиллиқнинг шоҳсупаси»га етаклаб бўлмайди. Чунки ҳар бир болада бир-бирига ўхшамаган хулқатвор бор. Бу ҳам яхши-да. Бутун дунёдаги одамларда бир хил хулқ-атвор бўлганида, қолипдан чиқаётган ғиштдан нима фарқимиз қоларди. Хулқатворнинг ранг-баранглиги ҳаётнинг, турмушнинг гўзаллигига йўл очади.

Қобилият, истеъдод, маҳорат ва ташаббускорлик ҳам мақола муаллифи айтганидек, суяк суради.Мақолада бир ривоятдан мисол келтирилади:

— «Эмишки, ота ўз боласини дарахтга боғлаб урибди. Сабаби, отанинг айтганидан ортиқ болада ташаббус, иқтидор етишмасмиш». Демак, ўша отада ҳам болалигида шу нуқсон бўлган. Акс ҳолда суяк суриши керак эди. Болани қанча ургани билан шу отанинг боласи-да.

Ахир, унида бўлса, урпоғига татийди, деган нақл бежиз эмас...

БОБОНГИЗ ҲАҚ

Абу Толиб ҳазратлари шундай ривоят келтирадилар: «Отамнинг айтишларича, уч ёшимда бобомга тақлид этиб, ул киши ила қўлимда гул қайчи билан боғга кирар эканман. Ул кишига тақлид қилиб, ток навдаларини пала-партиш кесар эканман. Шунда отам бобомни қойиган бўлиб: «Ғўдакка эрк берманг!» - дер эканлар. Бобом босиқлик билан: «Боладаги иштиёқни асло сўндирманг, ўғлим. Майли, бу йил ҳосилнинг баҳридан ўтайлик, лекин умр ҳосилидан бебаҳра бўлиб қолмайлик» деган эканлар.

Улғайганинг сари, фарзандларинг балоғат ёшига етгани сайин сенинг одатларинг аларда муассир бўлур. Яхшиси ҳам, ёмони ҳам».(Абу Лайс ас-Самарқандий. «Бўстони ул-орифин» рисоласидан).

Шу алломанинг рисоласи кўп қатори бизнинг йўлимизни ёритдиким, тарбияда сизнинг бобонгиз ҳақ.

МУАЛЛИМГА ҲАММАСИ МАЪЛУМ...

Энди муаллим ўқувчини партада мук тушиб ўтиришга эмас, балки ўйлашга, ҳаракат қилишга ундаши керак, дейилган мақолада.Маълум маънода ҳақсиз. Ҳали бугунги миллий истиқлол мафкурасини қалбан ҳис этмаётган муаллимлар ҳам бор. Шундай кишиларга сизнинг фикрингиз бир даъват.

Бу масалада менинг ҳам ўз қарашларим бор. Бугунги кун муаллимларининг кўпи изланишда, фидойиликда иш олиб бораяпти. Чунки, боланинг мияси бугун катта ривожланишда. Унинг мияси телекўрсатувлар, ЭҲМ, журнал, газета орқали кўп ахборотлар олмоқда. Бу ахборотлар бола хоҳлайдими-йўқми, унинг миясига секин-аста ишлов беради. Уни «мук тушиб» ўтиришга ҳам қўймайди. Шундай бир ҳолатда 35-40 нафар боланинг эътиборини, хаёлини бир жойга жамлаб олиш учун муаллимга ҳам ўша сиз айтган қодирлик керак бўлади.

ОТА ГАП

«Ўқувчи ҳам ўқитувчига тобе эмаслиги, мустақиллигини сезсин. Шу таҳлит унда қодирлик ҳисси пайдо бўлади» дейилган мақолада. Бу ҳақиқатан ҳам ота гап. Фикрингизга қўшиламан.

Садат ОСТОНОВ,
Қамаши туманидаги
74-мактаб
ўқитувчиси, Халқ
таълими аълочиси

Aks sado

«БЕЗАНУР БУ ЕР ЮЗИ...»

Халқимизнинг урф-одати, анъанавий удумлари, севимли байрамлари унинг санъатида ўз аксини топади. Катта кўтаринкилик билан давом этаётган Наврўз байрами одамлар орасида софлик, тансиҳатлик, меҳнатсеварлик хусусиятларини камол топтиришга хизмат қилиши жиҳатидан қадрланиб келинган.

Байрамни нишонлаш таомилга киргандан бери бу севимли шодиёнани куйламаган ижодкорни учратиш қийин. Наврўз ва баҳор гўзаллиги ҳақидаги нафис намуналарни мумтоз адабиётимиз дарғаларидан Лутфий, Навоий, Фирдавсий, Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳийлар яратишган. Лекин бу қутлуғ санага бағишланган асарлардан дастлабкиси XIV аср ўзбек адиби Носир Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асари таркибидаги мадҳиядир:

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврўзи,
Кечди бахман замхарир қиш қолмади қори бузи.
Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Ғазалда табиатда беқиёс янгиланиш содир бўлгани эҳтирос билан ифода этилган. Шарқ йилномаси бўйича ҳамал шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи, ҳозирги 22 мартдан 21 апрелгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Халқимизнинг севимли Наврўз байрами улуғ мутафаккир Алишер Навоийга ўз замонасида беқиёс ҳайрат, илҳом бағишлаган.

Халқ ҳаётини буюк муҳаббат билан куйлаб, эзгу ишларга доим бош-қош бўлган Навоий бу байрамни ғоят қадрлаган. Улуғ шоир бир ғазалида кеча билан кундузнинг баробарлашувига ишора этиб, табиат қонунларига таяниб, гўзал бир ташбеҳ яратган:

Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан, зоҳир улур бўлди чу наврўз.

(Кўрдимки, маҳбубамнинг бўйи билан узун сочи (оқ бадан билан қора сочи) наврўздаги кеча билан кундуздек тенг экан.)

Буюк шоир ўзидан аввал ўтган ижодкорлар томонидан севимли Наврўз байрамига бағишлаб ёзилган асарлардаги маъно ва тасвирлардан завқланган. Улуғ айём кунлари муносабати билан гулу гулзорлар барпо этилиши, кўчатлар ўтқазилиб боғ-роғлар яратилиши, ариқлар, зовурлар тозаланиши, озодалик ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор кучайтирилишини назорат қилган. Наврўз байрамида қадимий одат бўйича оҳорли, тоза кийим кийиб, кишиларнинг бир-бирига эзгу тилаклар билдиришлари шоирга ғоят катта илҳом бағишлаган, Наврўз шодиёнаси завқ-шавқидан руҳланиб, дил мадҳини шундай баён этган:

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилват менинг сарви равоним ҳам.

Улуғ айём кунларида фаришталар, озода кийинган содда, софдил одамларни кўрган шоир юрагида фахр тўла меҳрли сатрлар янграган бўлса ажаб эмас:

Шоҳ тожу хилъатиким, мен томошо қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас.

Ҳа, Наврўз деганда ҳар гал ўз халқини ва унинг байрамини севган Алишер Навоийнинг бетакрор улуғ тилакли гўзал сатри ёдга тушади:

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз!

Сабоҳат БЕРДИМУРОДОВА,
Тошкент Молия институти
ўзбек тили кафедраси
ўқитувчиси,Халқ таълими
аълочиси,
Гулчеҳра ҚАМБАР қизи,
Самарқанд вилояти Пастдарғом
туманидаги 28-ўрта мактаб
она тили ва
адабиёти ўқитувчиси

«Ma`rifat» mehmoni

ҚАЛБ ЧЕЧАКЛАРИНИ АСРАНГ

Аёлсиз қолган дунёни тасаввур қилган шоир:
...Одамлар кўтаролмай сукунат юкин
Эсини йўқотиб қўйиши мумкин. —

— дейди. Шоирнинг мисраларида пинҳона даъват бор. Токи кўнглингизга сукунатнинг залворли кафти келиб тушмагунча Аёлни асранг!

Сўз аҳли азал-азалдан Аёл ҳақида тугал бир лутф ахтариб келади.Бироқ ҳали ҳеч ким бу «муаммони» бус - бутун ҳал этганича йўқ, Эҳтимол ҳал этолмас ҳам. Лекин шу жумбоқни ҳал этиш илинжида сўз ахтарувчилар ҳамма вақт ҳам топилади.

Бу сафар ана шу азалий муддаомизни бугуннинг «лойиқа» қориб, таниқли шоира Зулфия Мўминовадан сўрадик. Зулфия опа бизга Аёл ҳақида гоҳ кулиб, гоҳ куйиб узоқ гапириб берди. Суҳбатимиз сўнгида шоиранинг аёл ҳақидаги гаплари оддий жумлаларга сиғмай оташин мисраларга айланиб кетди. Мана, тингланг...

— Зулфия опа, Аёлнинг бугунги муаммоси... Нималар улар?

— Аёл учун, она учун барча замонларда ҳам энг катта муаммо фарзанд тарбияси ҳисобланган. Айниқса, бугунги ўтиш даврида аёлнинг оналик масъулияти ошди. Бугуннинг боласи сезгир, ҳар қалай билим олишга интилиши кучли, шу билан бирга ота-онадан ҳам талаб қиладиган нарсалари кўп.

Мен мактабда ўқиган пайтимда отамдан пул сўрагани уялиб, сумкамга парча нон солиб кетардим. Отамдан сўрасаму пул зорманда отамда йўқ бўлса уялиб қоладилар, деб ўйлаганман. Бугуннинг боласи яхши ўқиётгани учун яхши таъминот бўлиши кераклигини билади. Яна бир нарса, давримиз шу қадар учқурки, унда ёшлардан, ҳатто ўзингнинг болангдан орқада қолиб кетишинг мумкин. Агар бола отаонанинг ақлига, кучига тан бермаса — бу ёмон оқибатларга олиб келади.

Болага тез-тез бу ҳаётда муқаддасликлар борлигини, буларни ҳар қандай «ақл мирзолар» ҳам тан олмаса, уни ҳис этиб яшамаса иши унмайди, бири икки бўлмайди, деб уқтирмоқ керак. Муқаддаслик тушунчасининг бошида Ватан ва ота-она олдидаги бурч ётади. Шак-шубҳасиз бола катта билим эгаси бўлиши зарур, аммо ундаги одамийлик ундан-да муҳимроқ. Аёлнинг энг нозик, энг оғир муаммоси ҳам олийжаноб инсон тарбиясидир.

— Ўзбек аёлининг дунё аёлларидан миллийликдан ташқари яна қандай устунлиги бор деб ўйлайсиз?

—Ўзбек аёли юксак маънавиятли ва бардошли аёл. Мен унинг шу жиҳатларини дунё аёлларидан устун қўяман.

Журналистик касбим юзасидан машҳур кишиларнинг ҳаётини ўрганишда албатта, онаси билан қизиққанман.

Ўзбек халқининг ардоқли шоири, муҳтарам устоз Абдулла Ориповни шоир қилган унинг онаси эмасми? У киши халқ ижодиётини ғоят нозик англаб, кўрпа қавиб ўтирганларида ҳам хиргойи қилиб ўтирарканлар:

Гулраъноинг тагида ювма сочингни,
ювма сочингни,
Шаҳло кўзларингдан тўкма ёшингни,
тўкма ёшингни.

Онасидан бундай дилбар қўшиқни эшиттанда, Абдулла ака неча ёшда бўлганларини билмайману аммо, қалбига ўшанда назмга муҳаббат уруғлари экилгани рост.

Ўзбек халқи неки ёруғ ниятларига етган бўлса, бари оналарнинг сабр-бардоши туфайлидир.

Бугунги кунда «Қулоқсиз болалар» кўпайиб кетаяпти, деган гапларни эшитамиз. Бу оилада она вазифасининг қайсидир маънода ўзгаргани эмасми? Ўзбек оиласининг ҳаммасида ҳам онанинг мавқеи ўзгарган эмас. Ўзингизга маълум халқ мақоли бор: «Ҳар ким экканини ўради». Уйда ўтириб, бадавлат эрнинг тоғганини сарф қилиб, бола тарбиясини чуқур англай олмай юрган оналар ҳам бор. Бир неча жойда ишлаб боласининг тарбиясига вақт топа олаётган оналар менимча кўпчиликни ташкил этади.

Айримлар ўзбекона андишани анча салбийроқ таърифлашади. Ўзбекона оғир-босиқликни ҳам. Аммо, андишали ва оғирбосиқ одамлар инжа ақл соҳибаларидир. Бу фазилат аёлга, онага жуда-жуда ярашади. Кичкина ҳаётий тажрибамда ҳали андишасиз ва шошқалоқ одамнинг бирор ғалабага эришганини кўрган эмасман. «Қулоқсиз» болалар ҳам худди ўшаларнинг мевасидир.

— Ўқувчилик йилларингизни соғинасизми?

— Ўқувчилик йилларим қувноқ ўтган. Шунинг учун бўлса керак, тез-тез ўша мунис кунларни эслаб тураман.

Бешинчи синфлигимда адабиётдан туман олимпиадасида қатнашадиган бўлиб қолдим. Туманда ғолиб чиқиб вилоятда қатнашишга муяссар бўлдим. Ўқитувчим роса тайёрлантирдилар. Якшанба — барча ўқувчилар дам оладиган куни Самарқанд шаҳрига кетишимиз керак эди. Бу хабардан момом хафа бўлиб кетдилар. «Қўшниларнинг қизи уйида ўтирсаю, сенга шаҳарда нима бор?, Бормайсан, вассалом» — дедилар. Мен уларга тушунтирдим. «Моможон, қўшниларнинг қизи билмайди. Мен эса биламан» — дедим. Шунда момом «Билсанг ҳам билма» — деб туриб олдилар. «Майли ҳозир муаллим келса шундай деб тушунтириб берасиз» — дедим. Ў киши бўлса «Муаллим келса, сен бормайман, бормайман — деб ҳовлини айланиб қочасан. Мен — «борасан, борасан» — деб қуваман — дедилар. Қарасам момом хафа бўладиган. Ўшанда момомни норози қилиб кетсам ўрин ололмайман барибир деб ўйлаганман. Муаллим келгач мен нимадир бир баҳона айтиб олимпиададан қолган эдим. Ўнинчини битирганимда момом ўзлари, ўқишга боришим учун оқ йўл тилаб қолганлар.

— Ҳаёлингизда доим сақланадиган ҳикматлардан бирортасини айтсангиз?

— Толстойнинг бир гапи бор: «Инсоннинг ҳақиқий кучи шиддатида эмас, балки собит осойишталигидадир».

— Аёллар йилида ўқитувчи опа-сингилларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Ўқитувчи ўқувчи билан руҳан яқин бўлиши керак. Руҳан яқинлик тилайман. Қалблардаги бу дунёга бўлган муҳаббат чечакларини асранг! Табассум қилинг! Табассум сизга жуда-жуда ярашади.

Суҳбатдош:
Алишер НАЗАР

Минг йилки ташнаман, кавсар истадим,
Минг йил шўр яладим, хуштар истадим.
Дил тараб айлади гул соғинчида
Ҳижрон даштларида хушёр истадим
Сахрони силтадим, яшиллан, қўқар,
Аждар тишин синдирган гуҳар истадим.
Муҳаббат битигин ўқий олгувчи,
Кўнгилкўз истадим - ахтар истадим.
Қачонки бу истак илкидан тутдим,
Қамиш қўксин эмган шаккар истадим.
Минг йилки қақнуснинг жонига жойли,
Тановар истадим, тумор истадим.
Мен билан ишқ ўтини сувдек ичувчи,
Мажнунвор истадим, дўст-ёр истадим.
Изтироб тунида тонглар ҳақида,
Хушхабар истадим, изҳор истадим.
Мен неки истадим, йиғлаб истадим.
Уйғоқлик истадим, бедор истадим,
Сескансин, кўз ёшим сайраб ўйғонсин,
Мен Наврўз истадим, бахор истадим.

***

Бахормидим, қумуш-қумуш кормидим,
Ишқ боғида ўйқмидим ё бормидим.
У келмади, мен ҳам излаб бормадим,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Ишки йўқ, сир - аёнимга етмагай,
Ки йилларки сарсонимга етмагай.
Бу не ҳижрон, фиғонимга етмагай,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Ишқ карвонким қўнғироғи зор ўтгай,
Ёди ила ёдимдан баҳор ўтгай.
Ким айтадур ул карвон такрор ўтгай,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Кўзин эслаб, кўздан дарёлар оқди,
Ёш бошима эски савдолар оқди.
На хуш синов, на хуш иншолар оқди,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Хомуш-хомуш ёққан оқ қорлар гўзал,
Айриликда, ишкда икрорлар гўзал.
Иккимизга таниш асрорлар гўзал,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Менинг сўзим ёниб ўчгай пайконда,
Менинг кўзим ёр яшаган маконда.
Менинг кўнглим Оллоҳимда, осмонда,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Зулфия МЎМИНОВА

Ўзбекистоннинг энг яхши инглиз тили ўқитувчилари

Шу йил баҳорнинг бошларида АКСЕЛСнинг Ўзбекистондаги ташкилоти томонидан АҚШ ахборот агентлиги (ЮСИС) ҳомийлигида, республика халқ таълими вазирлиги кўмагида ўтказилган "Таълим беришдаги муваффақиятлари учун мукофот" дастури бўйича биринчи ва иккинчи босқич ғолиблари аниқланди.

АКСЕЛС - Ўзбекистон ташкилоти раҳбарияти танлов ғолибларини, улар ишлаётган мактаблар жамоаларини чин қалбдан табриклайди ва фурсатдан фойдаланиб уларга ишларида ривож ва муваффақиятлар тилайди.

Қуйидаги рўйхатдаги ўқитувчилар 200 АҚШ доллари қийматида ўқув ва малака ошириш материалларидан иборат шахсий совға билан тақдирландилар. Танлов ғолиблари ишлаётган мактаблар ҳам рағбатлантирилиб, 2000 АҚШ доллари қийматида ўқув жиҳозлари, инглиз тилини ўрганиш бўйича китоблар совға қилинди:

Тошкент шаҳри ва вилояти:

Маҳмудова Жамила	1-мактаб
Боқижонов Қосимжон	лицей (Паркент)
Ли Антонина	19-мактаб
Амбарцумян Римма	247-мактаб
Фрейлих Раиса	50-мактаб
Цой Людмила	217-мактаб

Сирдарё вилояти:

Алиқулова Дилфуза	«Қувонч» гимназияси

Наманган вилояти:

Зокиржонова Муҳаббат	Охунов номли лицей
Мадаминова Матлуба	Ш. Рашидов номли лицей

Андижон вилояти:

Исманова Саодат	1-лицей
Ибрагимов Толибжон	9-мактаб

Фарғона вилояти:

Черностан Татьяна	24-мактаб
Алексеева Людмила	гимназия (Қўқон ш.)
Юлдашева Замира	28-мактаб

Хоразм вилояти:

Сиренко Юрий	Ўзбек-турк лицейи
Ражабов Шоназар	13-мактаб
Кудрявцева Тамара	3-гимназия

Нукус шаҳри:

Рамакаева Елена	32-мактаб
Оринбаев Кунишбай	11-лицей
Вахитова Вероника	1-гимназия
Романова Роза	4-мактаб

Самарқанд шаҳри:

Шадибаева Алла	37-мактаб
Кудякова Светлана	51-мактаб
Солдатова Диляра	Регионал тил ўрганиш маркази
Ниғматов Ҳамдам	21-лицей

Самарқанд вилояти:

Аликперова Сурайё	17-мактаб
Азимова Муаззам	64-мактаб

Қашқадарё вилояти:

Чориева Моҳира	1-гимназия
Ғаппоров Муҳаммад	лицей (Китоб)

Жиззах вилояти:

Мустафоқулова Ҳулкар	28-мактаб
Йўлдошева Шоҳида	1-лицей
Сулаймонова Любовь	2-мактаб
Жўрабоева Шарифа	«Умид» лицейи
Гайворонский Раис	5-мактаб

Бухоро шаҳри:

Сатторова Мусаллам	16-мактаб
Ҳамроева Ойша	2-мактаб
Ортиқова Мавжуда	5-мактаб
Ғофурова Ҳадича	32-мактаб

Навоий вилояти:

Раҳимова Гавҳар	5-мактаб
Ибрагимова Дилбар	13-мактаб

Сурхондарё вилояти:

Гелдиев Эгамберди	1-мактаб
Ниёзова Гулнора	1-лицей

Апрель ойининг охирида шу ўқитувчилардан 10 та ғолиб учинчи босқичда аниқланиб, улар 1999 йилнинг ёзида АҚШда 6 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашадилар.

Бу дастур ҳар йили такрорланиб, ўқув йилининг бошида бошланади. Ўйлаймизки, бу йилнинг натижалари Ўзбекистон ўқитувчиларини ана шу дастурда фаол иштирок этишга чорлайди.



QUTLOV

Ҳурматли Убайдулла ОРИПОВ!

Сизни табаррук 80 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Сиз умрингизнинг 55 йилини ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу ишга сарфладингиз. Сизнинг тарбиянгизни олган шогирдлар бугун турли жабҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи ва Халқ таълими аълочиси бўлмиш Сиз азиз узоқ умр, саҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Республика Таълим маркази
Фахрийлар уйи жамоаси

Xullas...

ЭМИЗИКЛИ «ЎҚУВЧИЛАР»

Пермь вилояти Соликамск шаҳрида ғаройиб учрашув бўлиб ўтди. Унда «Сонатал» методи билан жиҳозланган оилалар қатнашишди.

Бунинг асосида эндигина туғилган чақалоқни музика билан тарбиялаш ётади. Бундай метод (усул) Россиянинг бир неча шаҳарларида қўлланилмоқда.Бир ярим соатлик учрашувнинг қаҳрамонлари 3-4 ойлик чақалоқлар бўлди. Мусиқа ўқитувчиси, педиатр ва психологлардан иборат «тарбияловчи»ларнинг таъкидлашича,уларнинг эмизикли «ўқувчилари» ўзларини жуда яхши ҳис қилишган. Мулоқот давомида 30 нафар боланинг бирортаси ҳам йиғламаган. Яъни мусиқа уларга она алласидек ёқиб тушган.

ИШТАҲА ВА УМР

Россиядаги инсон фаолиятини ўрганувчи институтнинг хабар қилишича,75 йил умр кўрган ҳар бир киши 22 тонна овқат ва 33 минг литр суюқликни истеъмол қилар экан. Бунинг натижасида у, 8 минг литр тер чиқариб, 4 метрча тирноқни қирқиб олиб ташлар экан.

Қойил! Ана буни иштаҳа деса бўлади!

ҚАЛАМ КАШФИЁТЧИЛАРИ

Ҳозирги қаламнинг илк намунаси қаерда вужудга келган?

XII асрда Германиянинг Нюрнберг шаҳрида яшаб ўтган оддий ҳунарманд Фридрих Штедлер қаламнинг илк нусхасига асос солгани кўпчиликка маълум эмас. У яратган қалам ёғоч билан ўралган графит таёқчасидан иборат эди. Кашфиёт тез орада бутун Европага тарқалди. Кейинги асрда эса Нюрнберг яқинида яшовчи Каскер Фабер «стержен» учун графит, олтингугурт, сурма ва смоладан иборат аралашмани тайёрлади. Бу қалам намунаси анча маҳкам ва майдаланиб кетмас эди.

1795 йили француз механиги Конте графит ва лойдан стержен тайёрлади. Бу эса замонавий қаламларни тайёрлашга ва кўпайтиришга асос бўлди.

ana shunaqa gaplar...

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва геология факультети жамоаси геология - минерология фанлари доктори, профессор **Шавкат Ғуломович САИДҲУЖАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Sport

ЮТУҚ БИЛАН БОШЛАНДИ

Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси футболчилари саралаш ўйинларини ғалаба билан бошлади. Улар ўз «уйларида» Қирғизистон олимпиадачиларини қабул қилишиб, рақиблари даврасига 3 бора жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлишди.

ҚУНЧИҚАРДАН ХУШХАБАР

«Девис» кубогининг Токиода ўтказилган минтақавий беллашувида Япония - Ўзбекистон жамоалари учрашганди. Унда спортчиларимиз ҳар жиҳатдан маҳорат кўрсатиб, рақибларни 3:2 ҳисобида «ер тишлатишди».

ЎЗБЕКНИНГ ПОЛВОНЛАРИ

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган миллий кураш бўйича 4 - анъанавий Ал-Ҳаким - ат - Термизий хотира турнири ҳақиқий ўзбекона беллашувнинг намунаси бўлди. Совринлар ҳам зўрларнинг зўрига, яъни Президентимиз соврини (Нексия автомобили) бойсунлик Тоштемир полвонга, вилоят ҳокими соврини (Дамас автомобили) ғузорлиқ Баҳром полвонга Республика «Камолот» жамғармаси соврини (Тико автомобили)термизлик Маҳтумқули полвонга насиб этди.

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ҚАРДОШЛАР?

Футбол бўйича «Евро - 2000» саралаш учрашувларида «даҳшатли» курашларга гувоҳ бўляпмиз. Бу сафарги беллашувларда собиқ иттифоқ жамоаларининг кўрсатган натижалари: Украина - Исландия - 1:1, Россия - Андорра - 6:1, Италия - Беларус - 1:1, Озарбайжон - Руминия - 0:1, Литва - Эстония - 1:2, Латвия - Греция 0:0.

ЭСКИ РАҚИБЛАР

Санкт-Петербург шаҳрида шоҳмат бўйича жаҳоннинг 10 - чемпиони Борис Спасский ва 70-йилларнинг доимий «тож даъвогари» Виктор Корчной ўртасида «тарихий матч» ўтказилди. Бу сафарги «тўқнашувда» Корчнойнинг омади чопиб, рақибини 6:4 ҳисобида тор-мор этди.

maydonchasi

«Chekmasdan yoshlik gashtini sur»

ДАСТУР ДАВОМ ЭТМОҚДА

энди у вилоятларга кўчди

«Оила» илмий-амалий марказида, «Бритиш Американ Тобакко» фирмаси билан ҳамкорликда тузилган «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» дастури доирасида яна бир анжуман ўтказилди. Бу дастур энди ўз фаолиятини вилоятларда давом эттиради.

Маълумки, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 3 та мактабда тажриба-синовдан ўтказилган бу дастур ўз ижобий самарасини берди.

Анжуманни «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари О.Мусурмонова олиб борди.

Дастур муаллифларидан бири профессор Д.Шарипова, «Бритиш Американ Тобакко» фирмаси алоқалар бўйича менежери Б.Насимов, Халқ таълими вазирлиги ходими Р.Султонов, Республика «Камолот» жамғармасидан А.Холиқов ҳам дастурнинг қаерда, қандай самара берганлиги, фирманинг эзгу ниятлари ҳақида гапирдилар.

Республика «Аёл ва саломатлик» жамғармаси раиси Н.Абдуллаева дастурга қўшимчалар киритиш, бунга отаоналарни ҳам кўпроқ жалб қилиш тўғрисида фикр билдирди.

Бундан ташқари вилоятлардан ташриф буюрган, шу дастурга асосан иш юритадиган ўқитувчилар ҳам ўз-фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Ўқитувчилар тўрт кун мобайнида дастур билан яқиндан танишадилар.

Сўзимиз охирида шуни таъкидламоқчимизки, чекиш соғлиқ учун зарарли, болалар шу нарсани тушунишини, билишини истаймиз.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Олтин балиқ ушладим...

Respublika o'quvchilarining V spartakiadasi

ЭРКИН КУРАШ

Урганч шаҳрида эркин кураш бўйича мусобақаларда мактаб ўқувчиларининг V республика спартакиадаси доирасида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари иштирок этишди. 10 хил вазн тоифасида 140 ўқувчи ўртасида муросасиз курашлар натижасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Тўпланган очколарга кўра, Тошкент шаҳри ёш полвонлари спартакиада чемпионлари бўлишди. Самарқанд вилояти вакиллари иккинчи, хоразмликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Вазн тоифаларига кўра, самарқандлик О.Мажидов, М.Аҳадов, бухоролик Ш.Жўраев, Б.Қурбонов, жиззахлик Ж. Зоиров, хоразмлик О.Машарипов, М.Абзалниёзов, Р.Собиров, фарғоналик В.Пягай ва қорақалпоғистонлик С.Шинибеков ҳурмат шоҳсупасининг юқори погонасидан жой олишди.

Ҳар йилгидек Урганч шаҳрида ташкил этилган мусобақада ёш спортчилар учун яхши шарт-шароит яратиб берилди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига диплом ва фахрий ёрлиқлар, шунингдек ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ғ. МАННОПОВ

Futbol

«ЧАРМ ТЎП» ЯНА ЯШИЛ МАЙДОНДА

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетининг спорт майдонида боғчаларо «чарм тўп»нинг навбатдаги туман мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада Собир Раҳимов туманидаги «Жиблажибон» (569 - боғча), «Бўғирсоқ» (248 - боғча), «Райҳон» (169 - боғча) ҳамда «Гулзор» (68 - боғча) командалари ўзаро беллашдилар.

Бола азиз, одоби ундан азиз, дейди доно халқимиз. «Чарм тўп» ортидан югураётган жажжи ширинтойлар турнири кичкинтойларда ҳам, катталарда ҳам бирдек футболга бўлган меҳрни ошириб юборди. Ўйин ана шуниси билан қадрлидир.

Ғоят қизиқарли ўтган «чарм тўп» шоу-турнирида «Бўғирсоқ» командаси 4:0 ҳисоби билан ғолиб чиқди. Команда аъзолари туман халқ таълими бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Холида МИРСАЛИМОВА

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саййидолим АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0282. Тиражи 57.532. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.